



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТҮҒРИСИДА
МИЛЛИЙ МАЪРУЗА
(2024 йил)

ТОШКЕНТ 2025

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Асосий қисм.....	4
1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш	4
2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарліклар статистикаси	9
3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури ижроси	14
4. Ваколатли давлат органларининг коррупцияга қарши курашишдаги фаолияти	18
5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси	30
6. Коррупциянинг олдини олишга қаратилган замонавий механизмларнинг жорий этилиши.....	33
7. Давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш	38
8. Алоҳида соҳаларда коррупция хавф-хатарларининг таҳлили ҳамда коррупцияга имкон берәётган омилларни бартараф этиш	43
9. Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик иштироки	52
9.1 Ёшларда коррупцияга қарши курашиш иммунитетини шакллантириш	52
9.2 ННТ ва ОАВларнинг коррупцияга қарши курашишдаги иштирокини кенгайтириш	55
9.3 Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолияти.....	59
10. Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари.....	61
11. Миллий рейтинг ва индекслар.....	64
11.1 Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш	64
11.2 Давлат органлари ва ташкилотларининг Очиқлик индекси	66
12. Мамлакатда коррупция даражаси бўйича жамоатчилик фикри	70
13. Халқаро рейтинг ва индекслар.....	73
Хулоса	78
Илова	80

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тұғрисида миллий маъруза янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси ва “Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида”ги Қонуннинг 8¹-моддасида белгиланган нормаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланди.

Миллий маърузанинг мақсади Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ушбу йўналишида **2024 йилда** амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари тұғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш ҳисобланади.

Миллий маъруза Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик деб юритилади) томонидан тайёрланган **тўртинчи маъруза** ҳисобланади.

Миллий маърузада мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ва комплекс чора-тадбирлар, хусусан, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларининг ижроси, соҳага оид қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатлар, коррупцияга оид жиноятчилик тенденцияси, давлат органлари ва ташкилотларининг коррупциянинг олдини олишдаги фаолияти бўйича атрофлича маълумотлар берилган.

Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги рейтинги, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси, аҳолининг коррупцияга нисбатан муносабати ва ижтимоий сўровлар натижалари баён этилган.

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг иштироки, ёшларда коррупцияга қарши курашиш бўйича иммунитетни шакллантириш, давлат органлари хузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини мониторинг қилиш натижалари тақдим этилган.

Шунингдек, ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш мақсадида истиқболдаги вазифалар, уларни амалга ошириш механизмлари бўйича таклифлар шакллантирилган.

Миллий маъруза тузилиши жиҳатдан кириш, **13 та параграф**, хулоса, таклиф ва тавсиялар қисмидан иборат.

Миллий маъруза кенг жамоатчилик, хусусан, давлат органлари вакиллари, мустақил эксперtlар, рейтинг агентликлари, жамоатчилик фаоллари, олимлар ва бошқа шахслар учун мўлжалланган.

1

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА НОРМАТИВ-ХҮҚУҚИЙ БАЗАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

2024 йилда коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳүқуқий таъминлашга қаратилган **қуйидаги 8 та** норматив-хүқуқий ҳужжат қабул қилинди:

1 → Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тұғрисида”ги қонуни (2024 йил 5 июнь, ЎРҚ-931-сон).

Қонун билан:

- манфаатлар тўқнашуви тушунчаси, қонун татбиқ этиладиган ташкилотлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар ўрнатилди;
- Агентлик манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш бўйича маҳсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди;
- манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш, декларация тақдим этиш, реестр юритиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш механизмлари жорий этилди;
- манфаатлар тўқнашуви тұғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаганлик учун маъмурый жавобгарлик (МЖТК 193⁴-модда) белгиланди.

Қонунга кўра, давлат органларида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда қуйидаги субъектлар иштирок этади:

- Агентлик – маҳсус ваколатли давлат органи;
- давлат органлари ва ташкилотларидаги коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ёки кадрлар бўлинмалари – маҳсус бўлинма;
- давлат органлари ва ташкилотларидаги одоб-ахлоқ комиссияси.

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Манфаатлар тўқнашуви түғрисида”ги қонун ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари түғрисида”ги қарори (2024 йил 5 июнь, ПҚ-210-сон).

Қарор билан:

-  “Манфаатлар тўқнашуви түғрисида”ги қонун ижросини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича Республика идоралараро комиссияси ташкил этилди;
-  Қонун ижроси доирасида 2024 йилда амалга ошириладиган ишлар юзасидан “Йўл харитаси” тасдиқланди;
-  ҳар чоракда давлат органлари ва ташкилотлари кесимида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолатларни таҳлил қилиш, бундай ҳолатлар кўпайган давлат органлари ва ташкилотларига кечикириб бўлмайдиган чораларни белгилаш учун тақдимномалар киритиш;
-  ҳар ярим йилда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар Республика идоралараро комиссияси йиғилишларида танқидий муҳокама қилиб борилиши белгиланди.

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари түғрисида”ги қарори (2024 йил 21 июнь, ПҚ-228-сон).

Қарор билан:

-  2025 йил 1 январдан “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасини ишга тушириш;
-  коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар электрон базасини шакллантириш белгиланди.

Виртуал академияда ўқитиш қүйидаги контингент учун мұлжалланган:

-  ахоли, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари вакиллари;
-  таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари;
-  давлат органлари ва ташкилотларининг давлат хизматчилари (хар 3 йилда бир марта мажбурий ўқитилади);
-  давлат иштирокидаги корхоналарнинг ходимлари.
-  Виртуал академияда ўқитиш базавий ҳамда маҳсус ўқув курслар шаклида ташкил этилади.

4 → Ўзбекистон Республикасининг “Спорт соҳасида коррупциянинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимчалар киритиш тұғрисида”ги қонуни (2024 йил 4 ноябрь, ЎРҚ-988-сон).

Қонун билан спорт соҳасида коррупциявий хуқуқбузарлик учун Жиноят кодекси янги 214¹ ва 214²-моддалари билан түлдирилди.

Унга кўра, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олганлиги ёки мулкий манфаатдор бўлганлиги, шунингдек, спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

5 → Вазирлар Маҳкамасининг “2024 йилда норматив-хуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш чора-тадбирлари тұғрисида”ги қарори (2024 йил 16 апрель, 205-сон).

Қарор билан фуқаролик, оила, ахборот ва ахборотлаштириш, таълим, фан ва маданият тұғрисидаги амалдаги қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режалари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат органлари ва ташкилотларининг таклифлари асосида коррупцияга қарши экспертиза натижалари бўйича аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш юзасидан “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

6 Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат органлари ва ташкилоттарининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланған мажбуриятларга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тұғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (2024 йил 30 декабрь, 910-сон).

Қарор билан Агентлик томонидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини масофавий мониторинг қилиш асослари, тартиби ва муддатлари, натижаларини расмийлаштириш ва таъсир чораларини құllаш тартиби белгиланди.

Унга күра, масофадан мониторинг қилиш режали ва режадан ташқари ўтказилиши ҳамда муддати ўн беш иш кунидан (бир ойга узайтирилиши мүмкін) ошмаслиги лозим.

Масофадан мониторинг қилиш якуни бўйича аниқланған камчиликлар юзасидан Агентлик томонидан қўйидаги таъсир чоралари қўлланиши мүмкін:

-  хуқуқбузарлик ҳолаттарининг олдини олиш ҳақида ёзма равишда огоҳнома юбориш;
-  қонунчилик ҳужжатларида белгиланған талабларнинг бузилиши сабаблари ва бунга имконият яратиб берган шарт-шароитларни бартараф этиш тұғрисида тақдимнома киритиш;
-  очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни эълон қилмаганлик учун маъмурий баённома расмийлаштириш.

Шунингдек, Низом билан давлат органлари ва ташкилотлари томонидан очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг намунавий шакллари тасдиқланди.

7 «Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси» электрон платформасида ўқитиши ташкил этиш тартиби тұғрисидаги низом тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 30 октябрда 3565-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган).

Низомга мувофик, Коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясида ўқув фаолиятини ташкил этиш ва юритиш Агентлик ҳамда Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан амалга оширилади.

Виртуал академияда ўқитиши базавий (барча фойдаланувчилар учун бепул) ҳамда маҳсус (тұлов-шартнома асосида) ўқув курслари бўйича йўлга қўйилади.



Махсус ўқув курсларида малака ошириш барча давлат хизматчилари учун мажбурий ҳисобланади, бунда:

- ишга қабул қилинганидан сүнг уч ой ичидә ўқув курсидан ўтади;
- малака оширишининг даврийлиги ҳар уч йилда камидә бир мартани ташкил этади.

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ва коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган давлат хизмати лавозимларида фаолият кўрсатувчи хизматчилар учун махсус курслар чуқурлаштирилган ўқув дастурлари асосида олиб борилади.

Виртуал академияда ўқув жараёнини сифатли ташкил этилишини мониторинг қилиб бориш Агентлик томонидан амалга оширилади.

Махсус ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаганларга сертификат берилади.

8 Мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялар ва манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестрининг намунавий шакллари тасдиқланди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 5 ноябрда 3569-ракам билан давлат рўйхатидан ўtkazilgan).

Унга кўра, давлат органлари ёки бошқа ташкилотларда қўйидаги намунавий шакллар асосида ҳужжатлар тўлдирилади ва юритилади:



мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома (манфаатлар тўқнашуви ҳолати вужудга келганда тўлдирилади);



ходимнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияси (ходим ишга қабул қилинаётганда, бошқа ишга ўтказилаётганда ва йил якунига кўра тўлдирилади);



ходимга алоқадор шахсларнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияси;



манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестри (мавжуд ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашувининг ҳисоби юритилади).

Ушбу намунавий шакллар давлат органлари ёки бошқа ташкилотларда манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда бир хил ёндашув ва амалиётни жорий этишни назарда тутади.

2

ЖИНОЙ-ХУҚУҚИЙ СТАТИСТИКА

Таҳлилларга кўра, **2024 йилда** республика бўйича судлар томонидан жами **4 649 та** жиноят иши бўйича **7 354 нафар** шахс **коррупцияга оид жиноятлар** учун жиноий **жавобгарликка тортилган**. Уларнинг **1 525 нафари** ёки **20 фоизига озодликдан маҳрум қилиш** жазоси тайинланган.

2991 >	нафарига ахлоқ тузатиш ишлари
1 080 >	нафарига озодликни чеклаш
1121 >	нафарига жарима
7 >	нафарига мажбурий жамоат ишлари
5 >	нафарига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиши жазоси тайинланган
62 >	нафар шахсга шартли ҳукм чиқарилган
265 >	нафарига жазо тайинланмаган
86 >	нафари жазодан озод қилинган
212 >	нафар шахсга нисбатан бўлган жиноят иши тугатилган



2020 йил 31 декабрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 829-сон қарори билан коррупцияга оид жиноятлар таснифи аниқ белгиланганидан сўнг, статистикада 2021 йилдан бошлаб жиноят содир этган шахслар сони кескин ошиши кузатилган.

Коррупцияга оид жиноятлар оқибатида давлат манбаатларига жами **2 трлн 812 млрд** сўм миқдорида **зарар етказилганилиги** аниқланди.

Давлат манбаатларига етказилган зарарнинг юқори улуши Андижон (680 млрд), Тошкент (332 млрд), Наманган (308 млрд) ва Сирдарё вилоятларига (289 млрд) түғри келмоқда.

Эң күп содир этилган коррупцияга оид жиноятлар

Жиноят тури	2024
Үзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (167-м)	4189
Фирибгарлик (168-м)	1191
Пора олиш (210-м)	187
Пора бериш (211-м)	1086
Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (205-м)	188
Мансаб сохтакорлиги (209-м)	106

2024 йилда **123** та ҳолатда **ишга жойлашиш** ҳамда **292** та ҳолатда **банк кредитларини ажратиш**, **640** та ҳолатда бюджет маблағидан фойдаланиш билан боғлиқ коррупцияга оид жиноятлар аниқланган.



**Коррупцияга оид жиноятлар учун судланган
шахсларнинг ҳудудлар кесимида таҳлили**

Ҳудуд	Судланган шахслар сони
Самарқанд вилояти	643
Қорақалпоғистон Республикаси	554
Тошкент шаҳри	392
Тошкент вилояти	697
Сурхондарё вилояти	396
Бухоро вилояти	400
Навоий вилояти	366
Наманган вилояти	877
Сирдарё вилояти	517
Хоразм вилояти	157
Жиззах вилояти	266
Фарғона вилояти	512
Андижон вилояти	882
Қашқадарё вилояти	695
Республика	7354

***Коррупцияга оид жиноят учун
судланган шахсларнинг соҳалар кесимида таҳлили***

654 нафари	мактабгача ва мактаб таълими
342 нафари	соғлиқни сақлаш
271 нафари	тижорат банклари
202 нафари	бандлик
111 нафари	электр тармоқлари
106 нафари	маҳаллий ҳокимликлар
90 нафари	олий таълим
83 нафари	газ таъминоти
76 нафари	сув таъминоти
68 нафари	кадастр
39 нафари	нодавлат нотижорат ташкилотлар
36 нафари	қишлоқ хўжалиги
26 нафари	транспорт
244 нафари	хўжалик юритувчи субъектлар ходимларига тўғри келади

Коррупцияга оид жиноятлар сони ортиб бораётганлигининг сабабларидан бири уни фош этиш бўйича хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаоллигининг ортиши билан бир қаторда, вазирлик ва идоралардаги ички назорат тизимларининг самарасиз фаолияти билан боғлиқдир.

Хусусан, 2025 йилнинг 5 март куни Давлат Раҳбари иштироқида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг кенгайтирилган ийғилишида давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмалари фаолияти етарли даражада эмаслиги танқид қилиниб, 117 та давлат органи ва ташкилотлари ички назорат тузилмаси раҳбарлари лавозимидан озод этилди.

3

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҮЙИЧА 2023-2024 ЙИЛЛАРГА МҮЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бүйича давлат сиёсатини хар икки йилга мүлжалланган Давлат дастурларини қабул қилиш орқали амалга ошириш амалиёти шаклланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдагы ПФ-200-сон Фармони билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бүйича 2023-2024 йилларга мүлжалланган тұрттынчи Давлат дастури ҳам соҳадаги ислоҳотларни изчил давом эттиришда муҳим восита бўлди.

Агентлик томонидан Давлат дастурининг ижроси доимий мониторинг қилиниб, ҳар чорақда Миллий кенгаш йиғилишларида масъул ташкилот раҳбарларининг ҳисоботлари эшлитилиб, муҳокама қилинди. Натижада, Давлат дастурида белгиланган **9 та** йўналишдаги **30 та** банддан иборат вазифа ва топшириқларнинг ижроси тўлиқ таъминланди.

Давлат дастури доирасида қўйидаги ишлар амалга оширилди:

1 Коррупцияга қарши курашиш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган **12 та** норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, шундан **4 таси** қабул қилинди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш ва унда кичик тадбиркорлик субъектлари иштирокини рағбатлантириш чора-тадбирлари тұғрисида”ги ПҚ-249-сон қарори билан давлат харидлари маҳсус ахборот порталида товар (иш, хизмат)ларнинг нархларини жамоатчилик учун очиқ ифодаловчи алоҳида тизим яратиш белгиланди;
- Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 декабрдаги “**Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган мажбурияттарга риоя этилишини масофадан мониторинг қилиш тартиби тұғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**”ги

910-сон қарори билан Агентліктомонидан давлат органдарынан тағы да шикілдірілген тартибада өткізу мүмкін. Оның негізгі мәндері – фаолиятын анықтауды және оның масофавий мониторинг қилиш асосларын түсінілдіріп, тартиби ва муддатларын, натижаларини расмийлаштириш ва таъсир чораларини құллаш тартиби белгиланды;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 15 февралдаги “**Давлат харидларида Ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш бүйіча давлат хизматларини күрсатышнинг маъмурый регламентини тасдиқлаш тұғрисида**” ги 102-сон қарори билан Ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш бүйіча давлат хизматларини күрсатышнинг маъмурый регламенти тасдиқланды. Унга күра, реестрга киритиш 2025 йил 1 апрелдан бошлаб Ягона интерактив давлат хизматлари портала орқали амалга оширилиши белгиланды;
- Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 24 февралдаги “**Давлат харидларини корпоратив банк карталари орқали амалга ошириш тартиби тұғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**” ги 108-сон қарори билан хизмат сафарлари, шу жумладан, транспорт ва яшаш хараждатлари учун тұловларни амалга ошириш, бензин, суюлтирилған ва сиқилған газ, авиа ва дизель ёқилғисида ҳаракатланувчи транспорт воситаларига ёқилғи қуйиш, электромобилларни электр энергияси билан қувватлантириш билан боғлиқ харидларни корпоратив банк карталари орқали амалга ошириш тартиби белгиланды.

2 Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликка масъул ходимларини үқитишига мүлжалланған “**E-learning**” таълим платформаси (data.anticorruption.uz) ишга туширилди.

2024 йилда платформа орқали **119 та** давлат органининг **609 нафар** очиқликка масъул ходимининг малакаси оширилди.

3 Давлат органлари ва ташкилотларининг инсон ресурсларини бошқаришига оид фаолиятини рақамлаштириш ахборот тизими (hrm.argos.uz) ишга туширилди.

Платформада **2 672 та** ташкилотнинг **95 мингга яқин** давлат хизматчисига тегишли шахсий маълумотлар базаси шакллантирилди.

4 Судлар томонидан мансабдор шахсларнинг бекор қилинған ноқонуний қарорлари тұғрисида **жамоатчиликни хабардор қилиш** тизими яратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг интерактив хизматлари порталыда (public.sud.uz) давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг мансабдор шахсларнинг ноқонуний қарорларини бекор қилиш ҳақидағы суд қарорларини очық әзілон қилиб бориши тартиби йүлгі қўйилди.

5 → Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси ишга туширилди.

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг қарори билан Мактабгача ва мактаб таълими тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2024-2025-йилларга мүлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди.

“Йўл харита” ижроси юзасидан:

- мактабгача ва мактаб таълими соҳасига оид **79 та** норматив-хуқуқий ҳужжат коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди;
- коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган вазифа ва функциялар махсус электрон платформада (e-anticor) баҳоланди;
- тизимда фаолият юритаётган **24 624 нафар** мактаб директори ва **199 666 нафар** педагог ходим малакаси оширилди, **1 605 нафар** ходим Хуқуқни муҳофаза қилиш Академиясида ўқитилди;
- ходимлар учун коррупциявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, коррупция ва унинг оқибатлари, бу каби жиноятларнинг олдини олиш бўйича **709 та** тарғибот ва профилактика тадбирлари ўтказилди;
- **6891 та** давлат мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларининг шахсини биометрик идентификация қилиш орқали давоматни юритиш йўлга қўйилди;
- **117 нафар** ходимда манфаатлар тўқнашуви аниқланиб, бартараф этиш чоралари кўрилди.

6 → “9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни”га бағишлиланган “Аксилкоррупция ҳафталиги” доирасида **500 дан ортиқ** тадбирлар ташкил этилди.

110 дан ортиқ ташкилотда “Очиқ эшиклар куни”, ҳудудлардаги **334 та** муассасада давра сұхbatлари ва тренинглар, республика ва халқаро даражада **3 та** форум ўтказилди, **210 дан ортиқ** видеоролик намойиш этилди.

Маълумот учун: **2023 йилда 100 дан ортиқ** ташкилотда “Очиқ эшиклар куни”, **30 дан ортиқ** олий таълим муассасасида талабалар ўртасида танловлар, республика ва халқаро даражада **2 та** Forum, **20 дан ортиқ** семинар-тренинг, мулоқот ва бошқа шаклдаги тадбирлар бўлиб ўтказилган.

7 → Ёшларда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш мақсадида коррупцияга қарши курашувчи идоралар вакилларининг **ёшлар билан учрашувларини** ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилди.


114 та олий таълим муассасасида шу турдаги тадбирлар ўтказилди. Хусусан, Агентлик директори ва ёшлар ўртасида 2024 йилнинг 9 февраль куни Наманган вилоятида, 16 март куни Фарғона вилоятида, 18 апрель куни Қорақалпоғистон Республикасида, 20 декабрь куни “Вазир ва ёшлар” тадбирлари доирасида ёшлар билан учрашувлар ўтказилди.

- 8** Фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг коррупцияга қарши курашишдаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган **чора-тадбирлар** амалга оширилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар учун коррупцияга қарши курашиш мавзуларида **1 млрд 784 млн** сўмлик грант танловлари эълон қилинди. ННТ, ОАВ, Жамоатчилик кенгашлари ва илмий доира вакиллари иштирокида 34 та семинар ташкил этилиб, унда **840 нафар** иштирокчининг малакаси оширилди.

- 9** Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида **5-босқич мониторинги** ўтказилди.

Мониторинг натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши сиёсати **83,6 балл** билан Марказий Осиё давлатлари орасида энг юқори баҳоланди.



4

ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИҢ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДАГИ ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тұғрисида”ги қонунига мувофик, коррупцияга қарши курашиш фаолиятини **бевосита** амалга оширувчи давлат органлари (Агентлик, Баш прокуратура, ДХХ, ИИВ ва Адлия вазирлиги) томонидан мамлакатда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.



Коррупцияга қарши курашиш агентлиги

1 → Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан манбаатлар түқнашуви, давлат харидлари, давлат органларининг очиқлиги ҳамда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш бүйича ҳудуд ва соҳалар кесимида ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан вазирлик ва идораларга **408 та** (2023 йилда 260 та) **такдимнома** киритилди.

Шундан:

257 таси	(195) давлат харидларида қонунбузилиши ҳолатлари;
45 таси	(40) қонунчилік билан очиқланиши лозим бўлган маълумотларнинг эълон қилинмаганлиги;
41 таси	(15) давлат хизмати билан бир вақтда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланиш;
32 таси	номзодларни ишга қабул қилишда очиқлик таъминланмаганлиги;
33 таси	(10) бошқа масалалар (рейтинглардаги камчиликлар, жиноятчилик, ички назорат тузилмаси фаолияти ва бошқа).

Тақдимномалар натижасида хато ва камчиликларга йўл қўйган **85 нафар** (74) шахсга нисбатан **интизомий** жавобгарлик чоралари қўлланилди, **234 та** ҳолатда жами **263,9 млрд** сўмлик ноқонуний давлат харидлари бекор қилинди.

Давлат харидларидағи қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан энг кўп тақдимномалар Соғлиқни сақлаш (52 та), маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари (32 та), Транспорт (30 та), Мактаб ва мактабгача таълимни (23 та), Олий таълим, фан ва инновациялар (18 та) ва Сув хўжалиги вазирликларига (14 та) киритилган.

Бундан ташқари, ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига хуқуқий баҳо бериш учун **293 та** (227) материал хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Юборилган материаллар асосида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан умумий **28 та** (23) **жиноят** иши ва **104 та** (96) **маъмурӣ** иш қўзғатилди.

Мисол учун, ғазначилик органларида рўйхатдан ўтказилмасдан амалга оширилган давлат харидларини ўрганиш натижалари бўйича Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Андикон, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Бухоро, Хоразм вилоятларидаги ҳакамлик судларига ҳамда давлат харидлари талаблари бузилган ҳолда тўловни амалга оширган бюджет ташкилотлари мансабдор шахсларига нисбатан **13 та жиноят** иши қўзғатилди.

Шу билан биргаликда, ўрганишлар натижасида жами 222,7 млрд сўмлик мoddий зарарнинг давлат бюджетига қайтарилиши юзасидан қарорлар қабул қилинган.

Оммавий ахборот воситаларида коррупция ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги юзасидан эълон қилинган **55 та** хабар ўрганилиб, уларнинг **25 таси** бўйича давлат харидларидаги қонунбузилиши ҳолатларининг мавжудлиги ҳамда **5 тасида** давлат хизматчилари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланди ва мазкур қонунбузилиши ҳолатлари бартараф этилди.

Давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида **коррупциянинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омиллар** таҳлил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва бошқа ташкилотларга **22 та** таҳлилий маълумот киритилди.

Хусусан, үрганишлар давомида **давлат харидлари, соғлиқни сақлаш, маданият, хуқуқни муҳофаза қылувчи органлар, қурилиш, илмий даражада олиш ва автомобиль йўллари** соҳаларида коррупциявий хуқуқбузарликларнинг содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитлар таҳлил қилинди.

Масалан, **давлат харидлари соҳасида** харидлар ҳажмини қисмларга бўлиш орқали амалга оширилганлиги, тендер савдоларида манфаатлар тўқнашувига (яқин қариндошлар иштирокига) йўл қўйилганлиги, **илмий даражада** олишда плагиат, танишибилишчилик муносабатларидан фойдаланиш, илмий даражада бериш тизимида рақамлаштириш, назорат ва жавобгарлик механизмлари яратилмаганлиги ҳолатлари аниқланди.

2 **Давлат органларининг очиқлигини** таъминлашга оид мажбуриятларга риоя этилиши масофавий мониторинг тартибида мунтазам үрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чоралари кўрилди.

Хусусан, 103 та давлат органлари ва ташкилотларининг очиқлиги мониторинг қилиниб, натижалари бўйича 45 та тақдимнома киритилди.

Шунингдек, “Қайта алоқанинг сирли мижози” тадбирлари орқали **6 та** вазирлик (Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Қишлоқ хўжалиги, Транспорт, Энергетика ва Инвестициялар, саноат ва савдо вазирликлари) ва **2 та** вилоят (Андижон ва Наманган) ҳокимлигига **тақдимнома** киритилди.

Очиқликка оид қонун ҳужжатлари талабларини бузган **5 нафар** шахсга нисбатан **МЖтКнинг 215⁷-моддасига** (давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонунчилликни бузиш) асосан **маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилди**.

3 Халқаро ҳамкорлик йўналишида 2024 йилда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар коррупцияга қарши курашиш идоралари билан ҳамкорликка оид **4 та ҳамкорлик тўғрисида битим ва меморандум** имзоланди.

Жаҳон банки, БМТ Қонун устуворлиги ва хавфсизлик институтлари бошқармаси, Грузия Коррупцияга қарши курашиш бюроси ва Финляндия Қонун устуворлиги маркази билан имзоланган.

Халқаро ҳамкорлар билан **55 та** расмий учрашув ўтказилиб, халқаро эксперталар иштирокида **12 та** семинар-тренинг ҳамда **3 та** халқаро Форум ташкил этилди:

-  “Коррупцияга қарши курашиш Тошкент глобал медиа форуми”
(10 сентябрь, Тошкент)
-  “IV Тошкент Аксилкоррупция форуми”
(16-17 октябрь, Тошкент)
-  “III Ўзбекистон бизнес ҳамжамиятияда ҳалоллик форуми”
(16 декабрь, Тошкент)

2024 йилда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиқда **4 та** қүшма лойиха ишга туширилди.



Европа Иттифоқи ва БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорлиқда “Коррупцияга қарши курашиш миллий экотизимини кучайтириш” лойиҳаси (**2024-2026** йиллар, **2,5** млн евро);

Лойиҳа доирасида “Миллий ҳалоллик тизими”ни жорий этиш, Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари салоҳиятини ошириш, электрон платформалар ишлаб чиқиш, нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ролини ошириш назарда тутилган.



Европа Иттифоқи, Германия Федерал иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт вазирлиги ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигига “Ўзбекистонда давлат бошқарувини такомиллаштириш: коррупциянинг олдини олишда инклузив ёндашув” лойиҳаси (**2024-2026** йиллар, **4,5** млн евро);



Лойиҳа доирасида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятига сунъий интеллектни жорий этиши, давлат органлари ички назорат түзилмалари (“комплаенс-назорат”) салоҳиятини ошириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтингларда ўрнини кучайтиришга қаратилған тадқиқотлар ташкил этиши, “Манфаатлар түқнашуви тұғрисида”ғы қонуннинг самарали ижроси бүйича янги механизмлар жорий этиши, коррупция тұғрисида хабар берувчилар тизимини Европа тажрибаси асосида кучайтириш каби қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.



АҚШ Давлат департаментининг Наркотикларга қарши халқаро кураш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш бюроси (INL) ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳамкорлигидаги “Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш” лойиҳаси (2024-2026 йиллар, 945 минг АҚШ доллари);

Лойиҳа ҳужжатларида Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти билан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлигини кучайтириш, шу жумладан, ИХТТ Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиши бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режаси доирасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементациясига кўмаклашиш белгиланган. Хусусан, ИХТТнинг Ўзбекистонга тавсиялари асосида “Йўл ҳаритаси” ишлаб чиқилиб, ҳар бир бандини амалга ошириш бўйича хорижий эксперталар жалб этилади.



Агентлик ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ўртасида “Инвестиция мұхитини яхшилаш мақсадида коррупцияга қарши чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси.

Лойиҳа доирасида Агентлик ҳамда масъул идоралар ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш ва давлат харидлари соҳасида семинар-тренинглар ўтказиш ҳамда бошқа чора-тадбирлар амалга оширилади.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан Коррупцияга қарши курашиш түғрисидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат фаолиятини ташкил этишда соғлиқни сақлаш, олий таълим, қурилиш, энергетика, давлат харидлари ва банк соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, олий таълим соҳасида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича тегишли идораларга **251 та** тақдимнома киритилди, **560 нафар** шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, **67 та** жиноят иши қўзғатилди.

Ёки давлат харидларининг қонунийлиги юзасидан ўтказилган **359 та текшириш бўйича **2 трлн 736 млрд** сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланди.**

*Бу борадаги қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича тегишли идораларга **199 та** тақдимнома киритилди, **37 та** ноқонуний хужжат қонунга мувофиқлаштирилди, **106 нафар** шахс интизомий, **789 нафари** маъмурий жавобгарликка тортилди, **362 та** жиноят иши қўзғатилди ҳамда **454 нафар** шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.*

Таҳлилларга кўра, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларининг асосий қисмини харидлар тўғрисидаги қонунчиликка зид равишда **тўғридан-тўғри шартномалар тузиш** (298 млрд), **қиммат нархда қабул қилиш** (152), **танлов** ва **тендер** ўтказиш талабларини **бузиш** (145), харидлар тўғрисидаги маълумотларни **порталга киритмаслик** (18.8), харид турини **нотўғри танлаш** (9,1), шартномалар ва техник топшириқларни **экспертизадан ўтказмаслик** (1,4) ҳамда **манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш** (1,3) каби ҳолатлар ташкил этмоқда.

*Прокуратура органлари томонидан 2024 йилда жами **31 нафар** (сўнгги 3 йилда 147 нафар) шахс коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлиги ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашганлиги сабабли рағбатлантирилди.*

*Уларнинг **1 нафарига** пул мукофоти, **28 нафарига** ташаккурнома ва **2 нафарига** эсдалик совға топширилди.*

Алоҳида соҳаларда коррупциявий жинояtlар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш, шу орқали коррупция омилларини бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, **маҳаллий давлат ҳокимияти, соғлиқни сақлаш, спорт, мактабгача ва мактаб таълими, олий таълим, қурилиш, бандлик, маданият** ходимлари томонидан ва **давлат харидлари** соҳасида содир этилган коррупциявий жинояtlар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинниб, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига **10 та** ахборот ва тегишли идораларга **7 та** тақдимнома киритилди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида жами **9 149 та** тадбир, шундан **19 та** конференция, **218 та** семинар ва **2 512 та** давра сухбати ўтказилган, **1 584 марта** оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, **306 та** телевидениеда, **397 та** радио, **140 та** матбуотда ва **741 та** интернет тармоғида чиқишилар қилинди.



Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан 2024 йилда бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш устидан самарали назоратни таъминлаш, бюджет қонунчилиги бузилиши профилактикасини кучайтириш борасида тизимли ишлар олиб борилди.

Бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш, ноқонуний харажатларнинг олдини олиш борасида:

-  давлат органлари харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларининг ҳаққонийлигини таъминлаш борасида ўтказилган ўрганишларда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан бирга **2,3 трлн** сүм маблағ мақбуллаштирилди;
-  бюджет маблағлари ҳаракати устидан ўрнатилған масофавий мониторинг натижасида **554 та** ҳолатда давлат харидлари билан боғлиқ **3,1 трлн** сүмлик ноқонуний харажатларнинг олди олинди;
-  ўтказилған тезкор-тахлилий тадбирлар натижасида **857 та** ҳолатда **1,2 трлн** сүмлик бюджет маблағлари талон-торожига барҳам берилиб, **660 млрд** сүми бюджетга ундирилди;
-  **87 та** ҳолатда **247 млрд** сүмлик субсидия маблағларидан мақсадсиз фойдаланишга чек қўйилди.

Яширин иқтисодиётни қисқартириш борасида **673 мингта** субъект хатловдан ўтказилиб, яширин айланмаларни расмий ҳисоботларда акс эттириш орқали **16 трлн** сүм маблағнинг бюджетга ундирилиши таъминланди.



Шунингдек, **178 нафар** тадбиркор коррупциявий тажовуздан ҳимоя қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тезкор-қидириув департаментининг Коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ва унинг худудий бўлинмалари ходимлари томонидан 2024 йилнинг 12 ойи давомида коррупция ва иқтисодиёт соҳасида содир этилган, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши **3 300 га** яқин жиноят аниқланган.

Мазкур жиноятларнинг аксарияти порахүрлик, товламачилик, фирибгарлик, валюта қоидасини бузиш, қалбаки пул ясаш ва ўтказиш, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш жиноятларини ташкил этган.

Жиноятлар натижасида етказилган **787 млрд. 120 млн.** сўмлик моддий заарнинг **239 млрд 584 млн** сўми (30,4 фоизи) ундирилиши таъминланди.

*Тезкор ходимлар томонидан агросаноат комплексида **581 та**, саноатда **35 та**, ёқилғи-энергетика комплексида **194 та**, банк, молия-кредит тизимида **68 та**, ижтимоий соҳаларда **310 та**, истеъмол бозорида **82 та**, ўрта ва кичик бизнесда **199 та**, чет эл фирмалари ва қўшма корхоналарида **16 та**, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида **18 та**, назорат идораларида **135 та**, ҳокимият идораларида **135 та** ҳамда бошқа соҳалардаги **1 570 тага** яқин жиноят аниқланиб, фош этилди.*

Аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш, коррупцияга қарши муросасизлик муносабатини шакллантиришга қаратилган **102 та** видеоролик ва видеолавҳалар тайёрланиб, ОАВда ҳамда ички ишлар органларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида эълон қилинди.

2024 йил 21-30 апрель кунлари ички ишлар органларида “Коррупцияга қарши курашиш долзарб 10 кунлиги” тадбирлари ўтказилди, бунда **208 та** туман-شاҳар ички ишлар органларида шахсий таркиб билан профилактик тарғибот йиғилишлари ўтказилди.

Олиб борилган профилактик чора-тадбирлар натижасида 2024 йил давомида фуқаролар томонидан ходимларга пора таклиф қилиш ҳолатларини фош қилиш ўтган йилнинг мос даврига **141 тага** (75 фоизга) ошган (2023 йилда 188 та, 2024 йилда 329 та).



Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати идоралари томонидан 2024 йилда коррупцияга оид ҳолатлар юзасидан тергов қилинган жиноят ишлари бўйича **220 нафар шахсга** нисбатан бўлган жиноят ишлари тегишли тартибда судга юборилиб, тергов жараёнида етказилган **466 млрд** сўмлик зарарнинг **406 млрд** сўми (87 фоизи) ундирилиши таъминланган.



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш, шунингдек, аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий билимини ошириш каби йўналишларда чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, қонунчиликни такомиллаштириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига янада қулайликлар яратиш мақсадида **31 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш йўналишида **2 093 та** норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиб, шундан **222 тасида** ёки **11 фоизида 337 та коррупциявий омил** аниqlаниб, уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқувчиларга таклифлар киритилган.

Давлат хизматларини күрсатиш тизими соддалаштирилиб, электрон давлат хизматлари сони оширилди. Хусусан:

- давлат хизматлари марказлари орқали **70 дан ортиқ** янги давлат хизматлари жорий қилиниб, күрсатилаётган хизматлар сони **438 тага** етказилди;
- интерактив давлат хизматлари порталида жорий этилган **100 дан ортиқ** давлат хизматлари “**3 қадам**” ва “**фойдаланувчи учун мослаштирилган**” тамойиллари асосида қайта күриб чиқилиб, хизмат күрсатиш жараёнлари соддалаштирилди;
- ахоли ва тадбиркорлик субъектларига хulosалар бериш бўйича **18 турдаги** давлат хизматлари тизимлаштирилди;
- **12 та** “проактив” ҳамда **50 дан** ортиқ “композит” давлат хизматларини күрсатиш йўлга қўйилди;
- **7 та** лицензия, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб таомиллари тўлиқ бекор қилинди;
- **6 та** лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомили бирлаштириш орқали бекор қилинди;
- **3 та** лицензия ва рухсатнома хабардор қилиш шаклига ўтказилди;
- бизнесни бошлаш учун **3 ойгача** “ўтиш ва мослашиш даври”ни белгилайдиган “**Бизнесга лицензиясиз кириш**” (Zero Licensing) махсус режими (эксперимент тариқасида рентгендан фойдаланиш ва ветеринария лаборатория-диагностикаси) жорий этилди;
- **32 та** давлат хизматини эксперимент тариқасида маълум бир ҳудудда апробация қилиш бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар имзоланди.

Бугунги кунда күрсатилаётган давлат хизматларининг умумий сони **1000 дан ортиқ** бўлиб, шундан, бевосита Давлат хизматлари марказлари орқали **438 та**, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали күрсатиладиган давлат хизматлари ва сервислар сони **735 тани** ташкил этади.

Давлат хизматларини күрсатиш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари томонидан 2024 йилда қонунбузилишига йўл қўйилган **635 383 та** ҳолатаникланиб, айбдор шахсларга нисбатан **8 812 та** таъсир чоралари қўлланилди.

Коррупцияга қарши курашиш түғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тушунтиришга қаратилган **27 мингдан** ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил қилинди.

*Жумладан, телевидение орқали **366 та**, радиода **743 та** чиқиши қилинди, газета ва журналларда **434 та** мақола чоп этилди, **16 800 дан** ортиқ семинар ва давра сұхбати, конференциялар ўтказилди, уйма-уй юриб ҳуқуқий маслаҳатлар берилди, веб-саҳифа ва ижтимоий тармоқларда **7 200 дан** ортиқ контент жойлаштирилди, **1 600 та** күргазмали ҳуқуқий тарғибот материалы кенг тарқатилди.*

Адлия вазирлигининг “Youtube”даги расмий саҳифаси орқали “**Қонунчиликдаги янгиликлар**” рукнида коррупцияга қарши курашишни тарғиб қилишга қаратилган **6 та** видеоролик жойлаштирилди, “**Ҳуқуқий ахборот**” телеграм каналида коррупцияга қарши курашиш бўйича қисқача ахборот контенти ва видеоролик жойлаштирилди ҳамда мазкур контент билан **144 мингдан** зиёд фойдаланувчи танишди.

Худудий адлия органларитомонидан ҳокимликларда доимий равишда “**Маърифат соати**” ташкил қилиниб, ходимларга коррупцияга қарши муросасиз курашиш ҳамда қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича семинар ва давра сұхбатлари ташкил қилиб келинмоқда.

Манзилли ҳуқуқий тарғибот тадбирларида **4 мингдан ортиқ** күргазмали тарғибот материаллари (буклет, флаер, инфографика) тарқатилди.

5

НОРМАТИВ-ХУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА УЛАР ЛОЙИХАЛАРИНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси **максус қонун билан** тартибга солиниб, самарали тизим яратилганидан сүнг давлат органларида коррупцияга қарши экспертизани ташкил этиш бўйича ижобий амалиёт шакллана бошлади.

Вазирлик ва идоралар томонидан лойиҳалар дастлабки босқичда синчковлик билан текширилиб, коррупция омилларини бартараф этиш чоралари кўрилаётганлиги натижасида киритилаётган лойиҳаларда коррупция омиллари **камаймоқда**.

Хусусан, Адлия вазирлиги томонидан коррупция омиллари аниқланган лойиҳалар сони ўтган йилга нисбатан **5 фоизга**, коррупция омиллари сони **37 фоизга** камайган.

2024 йил **2 350 та** лойиҳанинг **222 тасида** ёки **11 фоизида 337 та** коррупциявий омил аниқланган.

Маълумот учун: 2023 йилда **2 379 та** лойиҳанинг **356 тасида** ёки **16 фоизида 569 та** коррупциявий омил аниқланган.

2024 йилда коррупциявий омил аниқланган энг кўп лойиҳалар **қуидаги вазирлик ва идораларга** тўғри келмоқда:

- ➊ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги – **30 та** (*174 та лойиҳанинг 17 фоизида*);
- ➋ Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги – **16 та** (*142 та лойиҳанинг 11 фоизида*);
- ➌ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги – **15 та** (*128 та лойиҳанинг 12 фоизида*);
- ➍ Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **12 та** (*66 та лойиҳанинг 18 фоизида*).

Таҳлиллар натижасида қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларида энг кўп қўйидаги турдаги коррупциявий омиллар учраётганлиги аниқланди:

-  маймурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги (37 фоиз);
-  дискрецион ваколатларнинг кенглиги (10 фоиз);
-  тадбирларни амалга ошириш усулларининг мураккаблиги ва уларни молиялаштириш манбаларининг ноаниклиги (6 фоиз);
-  бошқа коррупциявий омиллар (47 фоиз).

Норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш амалиёти жорий этилганлигига 4 йил бўлганига қарамасдан, айрим вазирлик ва идоралар ҳали ҳам лойиҳаларни экспертизадан ўтказмасдан, яъни чеклист тўлдирмасдан адлия органларига киритмоқда.

Жумладан, Адлия вазирлигига экспертизадан ўтказиш учун киритилган жами 2 **350 та** норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳасининг **74 тасида** коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича **чеклист илова қилинмаган**.

Коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилмай киритилган энг кўп лойиҳалар салмоғи **Жиззах вилоят ҳокимлиги** (8 та), **Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги** (6 та), Энергетика вазирлиги, **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги**, **Ташқи ишлар вазирлиги** (5 тадан) ҳисобига тўғри келади.

Агентлик томонидан вазирлик ва идораларнинг **327 та норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳалари** коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва улар органларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқларига кўра, **22 та** норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди.

Экспертиза натижаларига күра, **327 та** лойиҳанинг **71 фоизида** ёки **233 тасида 676 та** коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар аниқланыб, уларни бартараф этиш бүйіча вазирлик ва идораларга тегишли тавсиялар юборилди.

Аниқланған әңг күп коррупция омиллари:

139 та	норматив-хуқуқий ҳужжатларда қарама-қаршиликлар мавжудлиги;
98 та	маъмурый тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки түлиқ эмаслиги;
50 та	ноаниқ ва асоссиз ҳаволаларнинг қўлланилганлиги;
56 та	танлов (аукцион) тартиб-таомилларидан бўйин товлаш имкониятини берувчи нормаларнинг мавжудлиги;
47 та	дискрецион ваколатларнинг кенглиги;
47 та	сўзларнинг нотўғри қўлланилганлиги;
41 та	истисноларнинг асоссиз равишда қўлланилганлиги;
18 та	давлат органларининг фаолияти устидан назорат қилиш шакллари ва турларининг мавжуд эмаслиги;
180 та	бошқа турдаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар.

Ҳукуматнинг 2024 йил 16 апрелдаги 205-сон қарорига асосан, 2024 йил давомида фуқаролик, оила, ахборотва ахборотлаштириш, таълим, фан ҳамда маданият соҳалари даги **амалдаги қонунчилик ҳужжатлари** коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди.

Жумладан, ушбу соҳалардаги **692 та** амалдаги қонунчилик ҳужжатлари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиб, **68 та** ёки **10 фоиз** ҳужжатда **91 та** коррупциявий омил, амалга ошириш механизми ноаниқ бўлган нормалар аниқланди.

Аниқланған коррупциявий омиллар ва коллизион нормаларни бартараф этиш назарда тутилган Узбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатларида коррупциявий омиллар ва хуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тұғрисида” ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ҳукуматга киритилди.

6

КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАРНИНГ ЖОРİЙ ЭТИЛИШИ

6.1. Давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тұқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш

Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тұқнашуви тұғрисида”ги қонуни ижросини самарали ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенттінің ПҚ-210-сон қароры билан “**“Йўл ҳаритаси”** тасдиқланиб, унинг доирасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- 1** Конун кучга киргунга қадар унда белгиланған талаблар ва механизмларнинг амалиётда ишлаши билан боғлиқ масалаларни давлат органлари ҳамда ташкилотларида ўрганиш ва уларга тавсиялар бериш бўйича ишчи гурухлари тузилди.
Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари, Адлия вазирининг ўринбосари ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари раҳбарлигидаги ишчи гурухларга **республика ижро этувчи ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда республика даражасидаги бошқа давлаторганлари ва устав фондида давлат улуши бўлган юридик шахсларда** ўрганишлар ўтказиш вазифаси қўйилди.
- 2** Конун ижросини самарали ташкил этиш мақсадида қонун татбиқ этиладиган **157 та** республика даражасидаги давлат ва ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат мақсадли жамғармалари, маҳаллий ҳокимликлар, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда унитар корхоналарнинг **рўйхати шакллантирилди**.
- 3** Конунни амалга ошириш бўйича **намунавий идоравий дастур** ҳамда манфаатлар тұқнашуви ҳолатлари, уларни бартараф этиш чоралари бўйича миллий ва халқаро қонунчиликка асосланған **услубий қўлланма ишлаб чиқилди**, ходимлар учун **тарқатма материаллар** тайёрланиб, давлат органлари ва ташкилотларига фойдаланиш учун юборилди.

4 “Мавжуд манфаатлар тұқнашуви тұғрисидаги хабарнома, әхтимолий манфаатлар тұқнашуви тұғрисидаги декларациялар ва манфаатлар тұқнашувини ҳисобға олиш реестрининг намунавий шакллари” тасдиқланди (№3569 05.11.2024 й).

5 Давлат идоралари ва ташкилотлари ходимларининг манфаатлар тұқнашуви бүйіча билим ва күнікмаларини бақолаш мақсадида тест саволлари ишлаб чиқилиб, **95 600 нафардан ортиқ** ходимдан **тест синовлари қабул қилинди**.

Тест натижалари бүйіча тасдиқланадиган режа-жадвал асосида ҳар ойда манфаатлар тұқнашуви бүйіча ходимларнинг малакасини оширишга қаратылған үқув машғұлотовтари ташкил этилиши белгиланиб, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан **67 та** ташкилотнинг **30 760 нафар** ходими үқитилди.

6 Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли үртасида тушунтиришга қаратылған **тарғибот тадбирлари** мунтазам равишдаташкил қилиб борилмоқда.

Хусусан, 2024 йил 7 июнь куни матбуган анжумани ташкил этилди, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда **5 та** телекүрсатув, **2 маротаба** брифинг ҳамда **100 дан ортиқ** лавҳа эфирга узатилди.

7 Ишчи гурұхлар томонидан қонун күчга киргунға қадар унда белгиланған талаб ва механизмларнинг амалиётта ишлаши билан боғлиқ масалалар бүйіча давлат органлари ва ташкилотларида ўрганишлар ўтказилди.

Хусусан:

a) айрим давлат органлари ва ташкилотларида **яқын қариндошларининг бевосита бүйсунуvida** ёки назорат йұналишидаги ташкилотларда ишлеңгандығы билан боғлиқ **213 та** ҳолат аникланди ва бартараф этиш чоралари күрілди.

Ходимлар келгусида манфаатлар тұқнашувига олиб келиши мүмкін бўлган ҳолатларга йўл қўймаслик тұғрисида **расман огоҳлантирилди**;

b) давлат хизматчиларининг **тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши** ҳолатлари ўрганилганда, жами **1 513 нафар** ходимнинг давлат хизмати билан бир вақтда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётгандығига оид манфаатлар тұқнашуви ҳолатлари аникланиб, бартараф этилди.

Масалан, Қишлоқ хўжалиги вазирлигиде **279 та**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигиде **79 та**, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигиде **72 та**, Транспорт вазирлигиде **50 та**, Сув хўжалиги вазирлигиде **26 та**, “Микрокредитбанк” АТБда

96 та ҳолатда, “Ўзсувтаъминот” АЖда **79 та**, “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ ва “Ўзбекистон темир иўллари” АЖда **46 тадан**, “Асакабанк” АЖда **37 та**, Статистика агентлигигида **30 та**, Марказий банкда ҳамда “Ўзбекинвест” ЭИСК АЖда **16 тадан**, АТБ “Алоқабанк”да **15 та** ва “Туронбанк” АТБда **13 та** ҳолатда ходимлар тадбиркорлық субъектлари **таъсисчиси** эканлиги маълум бўлди.

Шу каби Навоий вилояти ҳокимлиги тизимида **19 нафар**, Тошкент вилоятида **15 нафар**, Тошкент шахри ва Қашқадарёда **11 нафар**, Бухорода **10 нафар**, Сирдарёда **8 нафар**, Хоразмда **8 нафар**, Фарғона **6 нафар**, Наманганда **5 нафар** ходим тадбиркорлық субъектларида **таъсисчи** (ёки *раҳбар*) эканлиги аниқланди.

Агентлик томонидан ходимларнинг тадбиркорлық субъектлари таъсисчилигидаги фаолиятини тұхтатиш чораларини кўриш тұғрисида давлат органлари ва ташкилотларига **33 та тақдимнома киритилди**;

- в)** Агентлик томонидан 2024 йил давомида **221,3 млрд** сўмлик **111 та** давлат харидида манфаатлар тұқнашуви ҳолатлариға йўл қўйилганлиги юзасидан вазирлик ва идораларга **57 та** тақдимнома, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга **54 та** сўровнома киритилиб, **75 та** ҳолатда жами **33,6 млрд** сўмлик харидлар бекор қилиниши таъминланди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган материаллар асосида **24 нафар** шахс маъмурий, **10 нафар** шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Ҳисоб палатасининг масофавий таҳлилларида **241 та** давлат буюртмачисининг **296,8 млрд** сўмлик **3,2 мингта** шартномаси давлат харидлари соҳасидаги қонунчилик талаблариға зид равишида **манфаатлар тұқнашувига** йўл қўйилган ҳолда тузилганлиги маълум бўлди.

Қонунбузилишига йўл қўйган **155 нафар** мансабдор шахсга нисбатан маъмурий **баённомалар** расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар судларга юборилди.

- г)** **Коррупцияга қарши ички назорат** ва кадрлар бўлинмалари ташкил этилганлиги ҳамда **одоб-ахлоқ комиссиялари фаолияти** йўлга қўйилганлиги ўрганилиб, **117 та** давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, банкларда **1 284 та** штат бирлигидан иборат коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори асосида Одоб-ахлоқ комиссиялари фаолият кўрсатиб келаётганлиги маълум бўлди.

Ҳозирда Агентликнинг “**E-anticor.uz**” электрон платформасида манфаатлар тұқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни **аниқлаш ва онлайн мониторинг** қилиш имконини берувчи электрон модул ишга туширилмоқда.

Тизим ишга жойлашиш, лавозимга тайинлаш, рафбатлантириш, аттестация ва баҳолашдан ўтказиш, рухсатнома (лицензия) бериш, харидларни амалга ошириш, назорат тадбирларини ўтказиш ва давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнларида **непотизм, кронизм ва маҳаллийчиликнинг** олдини олишга қаратилган.

6.2. Аҳоли ва давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш тизимининг жорий этилиши

Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимини узлуксиз ошириб бориши мақсадида “**Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси**” электрон платформаси ишга туширилди.

Мазкур платформада ўқитишни самарали ташкил этиш бўйича **қуйидаги чора-тадбирлар** амалга оширилди:

1 > Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси билан ҳамкорликда “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасида давлат хизматчиларини коррупцияга қарши курашиш бўйича 2025 йилга мўлжалланган **ўқитиш режа-графиги**, ўқитилиши лозим бўлган **давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхати** ва **давлат хизматчилари контингенти** тасдиқланди.

2025 йилга мўлжалланган ўқитиш режа-графигига кўра, йил давомида **140 минг** нафардан ортиқ давлат хизматчисини ўқитиш режалаштирилиб, ўқитилиши лозим бўлган давлат хизматчилари лавозимларининг **аниқ рўйхати** шакллантирилди.

2 > Виртуал академияда ўқитиш ва малака ошириш **ўқув дастурлари** контингент учун мослаштирилди ҳамда **ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий материаллар** тайёрланди.

Таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари учун Виртуал академияда ташкил этиладиган **маҳсус дастурлар** ва **контентнинг** ишлаб чиқилишини таъминлаш бўйича Агентлик, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги масъулларидан иборат ишчи гурӯҳ ташкил этилди.

Ишчи гурӯҳ томонидан Виртуал академияда ўқитилиши режалаштирилаётган контингент учун қўйидаги **7 та** мослаштирилган ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди:

- ⇒ “Корпоратив субъектларда коррупцияга қарши курашиш”;
- ⇒ “Давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш”;
- ⇒ “Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупциянинг олдини олиш борасидаги ҳамкорлик технологиялари”;
- ⇒ “Коррупциянинг олдини олиш асослари”;
- ⇒ “Тадбиркорликда коррупцияга қарши курашиш”;

- ⇒ “Таълим муассасалари ўқувчилари учун мұлжалланган ўқув дастури”;
- ⇒ “Таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари учун мұлжалланган ўқув дастури”.

Шунингдек, **10 та** ўқув құлланма, ўқув-услубий материал ишлаб чиқилди.

Хозирда халқаро грант маблағлари ҳисобидан ўқув құлланмалар, ўқув-услубий материаллар ишлаб чиқыш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, Германия халқаро ҳамкорлик жамияты (**GIZ**) **вакиллари** билан учрашув ташкил этилиб, Виртуал академия фаолиятида фойдаланишга мұлжалланган ўқув құлланмалар, **ўқув-услубий материалларни** биргалиқда ишлаб чиқышга келишиб олинди.

3 Хорижий грант маблағларини жалб қилған ҳолда **сифатлы мультипликацион фильм, видеолавҳа** ва **аудиоматериалларни** яратыш устида иш олиб борилмоқда.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан “**Коррупцияга қарши таълим**” лойихаси ишлаб чиқилди, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан барча номутахассислик йұналишлар талабалари учун фалсафа фани ўқув дастурига “**Коррупциянинг моҳияти, оқибатлари ва унга қарши кураш механизмлари**” модули кирилди.

4 Олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалға оширилиши мүмкін бўлган **тавсиявий йиллик илмий-тадқиқот мавзулари** ишлаб чиқилиб, “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасига жойлаштирилди.

5 “**Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси**” электрон платформасининг **мобиЛЬ иловаси** тест режимида ишга туширилди.

МобиЛЬ илова орқали **видеодарслар, тест синовлари, амалий топшириклар** ва бошқа таълим материаллари ёрдамида масофадан самарали таълим олиш имкони яратилди.

6 **Махсус ўқув курсларида тўлов-шартнома** асосида малака ошириш учун **тўлов миқдори** Академиянинг Васийлик кенгаши томонидан ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Унга кўра, бир нафар таълим олувчи учун масофавий шаклдаги махсус ўқув курсининг 12 соатига базавий ҳисоблаш миқдорининг **7 фоизи** миқдорида тўлов амалға оширилиши белгиланди.

Маълумот учун: аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари учун мұлжалланган **базавий ўқув курслари** бепул асосда ташкил этилади.

7

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ

1 2024 йилда давлат бошқарувыда бюрократияни қисқартыриш, давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш орқали коррупцияга имкон берәётгән шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек, давлат хизматларини соддалаштириш бүйича ишлар давом эттирилди.

Бугунги кунда Ягона интерактив давлат хизматлари порталы орқали күрсатилади-
ган хизматлари сони **710 тадан** ошди (2023-йили 570 та эди).

Хусусан, пенсия тайинлаш учун ариза бериш, тиббий маълумотнома олиш (083),
кам таъминланган оиласынан болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлашга ариза
бериш ва нафақа тайинлаш, меҳмонхона қуриш учун субсидия олиш, талабалар учун
таълим кредити олиш, давлат умумий ўрта таълим ташкилотлари педагог кадрларини
касбий сертификатлаш ва бошқа хизматларнинг электрон шаклга ўтказилиши
бюрократия ва коррупция омилларини камайтиришга хизмат қилмоқда.

*Мисол учун, олдинлари **талабалар таълим** кредитини олиш учун **7 хил**
хужожатни турлы идоралардан йиғиб, бир неча ҳафта сарсон бўлган бўлса,
ҳозирда барча жараёнлар Ягона портал орқали автоматлаштирилиб,
талабадан ҳеч қандай хужожат талаб этилмаяпти ва **5 иш** кунида таълим
кредити ажратилмоқда.*

Ёки бўлмаса, кам таъминланган оиласынан болалар нафақаси тайинлаш учун
илгари **15 дан ортиқ** маълумотномалар талаб қилинган бўлса, ҳозирда ушбу
жараёнлар автоматлаштирилиб, Ягона портал орқали биргина ариза юбориш орқали
ҳал этилмоқда.

Бунинг ҳисобига 2024 йилнинг ўзида **259 мингта** кам таъминланган оиласынан
болалар нафақаси тайинланди.

Олий таълим муассасалари талабалари учун **ётоқхонага қабул қилиш жараёнлари**
тўлиқ онлайн шаклга ўтказилиб, 2024-2025 ўқув йили учун **115 мингдан ортиқ**
талаба Ягона портал орқали талабалар турага жойига йўлланмалар олган.

Энг асосийси, мазкур хизматдаги ариза топширишдан, шартнома олиш, имтиёзга
эга талабгорларни аниқлаш, тақсимот, тўловларни амалга ошириш сингари барча –
8 та жараён рақамлаштирилди.

2 2024 йилда давлат ва хұжалик бошқаруви фаолиятини рақамлаштиришга қаратылған **75 та** лойиха амалиётта жорий этилди.



Бухгалтерия ҳисобининг автоматлаштирилған тизими – **UzASBO дастурый мажмуси** такомиллаштирилди.

Дастурда:

- ⦿ бюджет ташкилотлари штат жадваларининг қоғоз шаклидан воз кечилиб, түлиқ **электрон шакллантириш** тизими йўлга қўйилди;
- ⦿ давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот базалари билан интеграция қилиниб, номзодни ишга қабул қилишда тизим текшируви орқали, агарда бошқа жойда ишлаётганлиги аниқланса, **тизимга киритишни автоматик рад этиш** имконияти яратилди;
- ⦿ бюджет ташкилотлари штат бирликлари ажратилди, тўлов турлари ҳамда иш ҳақи тўловларини ҳисоблашдан келиб чиқиб **гуруҳларга тоифаланди**;
- ⦿ тўлов турлари стандартлаштирилди, шунингдек, ҳар бир тўлов турлари ва уларнинг чегаравий миқдорларининг тегишли **норматив-хуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги таъминланди**;
- ⦿ умумтаълим мактабларининг тарификация жараёнлари рақамлаштирилиб, ишлаётган ходимларга тегишли малака тоифалари интеграция қилинган ҳолда уларнинг **иш ҳақларини ҳисоблаш жараёнлари автоматлаштирилди**.

UzASBO дастурый мажмуси такомиллаштирилиши натижасида ходимларнинг ойлик иш ҳақи, устамалар тўлаш, иш стажларини тўғри юритишдаги **хато ва камчиликларнинг олди олинди**.

Олий таълим соҳасида талабаларга тўлов шартномаларини электрон шаклда бериш, онлайн тўловларни амалга ошириш ҳамда олийгоҳлар томонидан тўловлар мониторингини юритиш бўйича **“EduBilling”** ахборот тизими жорий этилди, мазкур биллингтизимига **110 дан** ортиқ олий таълим муассасаси уланиб, **5,93 триллион** сўм контракт тўловлари амалга оширилди.

Мактабгача ва мактаб таълимида ўқитувчиларга **малака тоифаларини бериш** тизими такомиллаштирилди. Бунда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида синов жараёнларида **илк бор FaceID** (юзни таниш) ҳамда **Blockchain** (маълумотни ўзгармас шаклда саклаш) технологиясидан амалиётда фойдаланилди.

“Онлайн аттестация” тизимларининг жорий этилиши натижасида **335 минг** нафардан ортиқ үқитувчи, **60 минг** нафар шифокор ва **22 минг нафар** давлат хизматчиси аттестациядан ўтказилди.

Банк хизматларини күрсатишда коррупциявий хавф-хатарлар асосан **кредит ажратиш билан боғлиқ амалиётлар ҳиссасига тұғри келаётганды** сабабли мазкур жараёнларда рақамлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилди.



Жумладан, **оилавий тадбиркорлик учун имтиёзли кредитларни** ягона электрон платформа (oilakredit.uz) орқали **ажратиш тартиби** жорий қилинди.

Барча банкларда кредитлаш жараёнларига скоринг тизими жорий қилиниб, мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини автоматлаштирилган тартибда баҳолаш амалиёти йўлга қўйилди.

Шунингдек, кредит ажратиш жараёнларига инсон омили таъсирини камайтириш мақсадида барча турдаги чакана кредитларини (микроқарз, автокредит, истеъмол, таълим ва овердрафт кредитлар) **банкларнинг мобиъ иловалари орқали онлайн тарзда ажратилиши** жорий қилиниб, ушбу амалиётлар тўлиқ рақамлаштирилди.

Транспорт соҳасида авиа, автобус ва темирйўл чипталарини **электрон харид қилиш** орқали фуқароларнинг навбатга туриш, чипта харид қилиш учун вақт сарфлаб бориб келиш каби муаммолари ҳал этилди.

Солиқ тизимининг тўлиқ рақамлаштирилиши аҳоли ва тадбиркорларга қулайлик яратиб, уларни солиқ идораларида сарсон бўлиб юриши, солиқчилар билан ноқонуний алоқага киришишининг олдини олмоқда.



Хусусан, ҳозирда **Солиқ хизматлари портали** (my.soliq.uz) ва **мобиъ иловаси** орқали **50 га** яқин солиқ хизматларини күрсатиш, аҳоли ва тадбиркорлар учун барча солиқ тўловлари ва солиқ ҳисоботларини масофадан туриб электрон шаклда тақдим этиш имконияти яратилган.

Мисол учун, фуқаро қўй телефонидаги мобиъ илова орқали солиқ турлари, тўлаш муддатлари, ҳисоб-китоблар, имтиёзлардан фойдаланиш, ортиқча солиқларни қайтариш, ҳисоботларни солиқ органига юбориши мумкин.



Қурилиш соҳасида «Шаффоf қурилиш» миллий ахборот тизими янада такомиллаштирилди.

Жумладан, тизимда:

-  қурилиши тугалланған объектларни фойдаланишга қабул қилиш жараёнини **“Қурилишда давлат назорати” электрон платформасы** орқали расмийлаштириш;
-  объектларнинг смета қийматини **“Қурилиш ресурслари миллий классификатори”** электрон платформаси маълумотлари асосида шакллантириш;
-  буюртмачи томонидан қурилишга оид бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатлар, экспертиза хulosалари ва тендер ҳужжатлари ҳамда тегишли давлат харидлари тұғрисидаги шартномаларни **мажбурий тартибда жойлаштириш**;
-  бажарилған ишлар тұғрисидаги маълумотларни солиқ органларига тақдим этилған электрон ҳисобварап-фактуралар асосида шакллантирилған ҳолда юбориш;
-  вазирлик ва идораларнинг ўзаро интеграция қилинган ахбороттизимлари орқали қўшимча маълумотларни (*курилиш учун ажратилған маблағлар, ҳисобварап-фактуралар, қурувчиларнинг ишчи ходимлари ҳақидаги, муддати ўтган кредит қарздорлиги тұғрисидаги ва бошқа маълумотлар*) тизимга жойлаштириш белгиланди.

Давлат органларининг бюджет интизомига риоя қилинишини назорат қилиш бўйича **“Масофавий аудит”** автоматлашган ахборот тизими орқали бюджет интизомига оид **2,3 трлн** сўмлик **112 мингта** молиявий хато ва камчиликлар бартараф этилди, шундан **1,6 трлн** сўмлик камчиликларнинг барвақт олди олинди.

Мазкур тизимда вазирлик ва идораларда хавфларни аниқлаш ва олдини олиш учун **447 та** модул ишга туширилди, **37 та** вазирлик ва идораларнинг **234 та** маълумот базаларига интеграция қилиниб, **28 та** турдаги риск-анализлар автоматик шаклланмоқда.



Қишлоқ хўжалиги соҳасида ерни тайёрлашдан тортиб, ҳосилни йиғишириб олиш ва якуний ҳисобигача бўлган жараёнларни ўз ичига олувчи **“Агроплатформа”** тизими ишга туширилиб, тизимга **44 мингдан** ортиқ фермер хўжаликлари ва **120 та** кластер уланиб, тизим орқали **7,2 мингдан** ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди.

Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш тизимининг жорий этилиши **10 миллионга** яқин абонентта хизмат кўрсатиш, маълумотларни қайта ишлаш вақтини **5 баробарга** (10 соатдан 2 соатгача) қисқартириш имконини берди.

Мажбурий ижро бюросида ишга туширилган алимент тизими орқали **216 мингта** ижро иши тугатилиб, **97 миллиард** сүм қарз автотұлов тизими орқали тұлаб берилди.



TOZA MAKON

“**Тоза Макон**” тизими доирасида санитария тозалаш корхоналарининг **2,4 минг** нафардан ортиқ назоратчиси “учтаси бирда” тұлов терминаллари билан таъминланды, **155 та** санитария корхонасига қарашли **3,4 мингта** махсус техникага GPS қурилмалари үрнатылды.

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига Давлат бюджетидан тұланадиган субсидиялар ва компенсацияларни ажратишнинг шаффоғлиги, шунингдек, субсидия ва компенсация тұловларининг манзилли етказилишини таъминловчы **“Subsidiya.mf.uz”** платформаси янада такомиллаشتырылды.

Хусусан, 72 та субсидия турининг тұлов жараёни мазкур ахборот тизими билан қамраб олинган.

44 та	қишлоқ ва сув хұжалиги
18 та	камбағаллыкни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш
7 та	ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат құмитаси
2 та	фуқароларга ипотека кредитлари бүйіча бошланғич бадал ва фоиз қисмини қоплаш
1 та	муҳтож шахсларни протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш

Рақамластириш борасида амалга оширилаётганчора-тадбирлар натижасида БМТнинг Электрон хукуматни ривожлантириши индексида Ўзбекистоннинг үрни 6 погонага юқори лаб, 196 та давлат ичида 63-үринни эгаллади ҳамда индекснинг жуда баланд (Very High EGDI) гүрухига күшилди.

8

АЛОҲИДА СОҲАЛАРДА КОРРУПЦИЯ ХАВФ-ХАТАРЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ ҲАМДА КОРРУПЦИЯГА ИМКОН БЕРАЁТГАН ОМИЛЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш, очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлаш

Давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишини таъминлаш учун давлат молиявий назоратини янада кучайтириш, бюджет маблағларини тақсимловчи вазирлик ва идораларда ички аудит тизимини тақомиллаштириш, шунингдек, жамоатчилик иштироки ва назоратини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги ПФ-100-сон Фармони қабул қилинди.

- ➡ Фармонга мувофиқ, **Ҳисоб палатаси** томонидан Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети ижросини ташки аудитдан ўтказиш;
- ➡ 2025 йилдан бошлаб устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган йирик ташкилотлар фаолиятини аудитдан ўтказиш;
- ➡ стратегик ва ахборот технологиялари аудитини ўтказиш;
- ➡ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ижроси түғрисидаги йиллик ҳисоботнинг ташки аудити натижалари, шунингдек, келгуси йил учун бюджет лойиҳасини баҳолаш бўйича Ҳисоб палатасининг хulosаларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида Ҳисоб палатасининг масъул вакиллари иштирокида муҳокама қилиш;
- ➡ ҳар чоракда Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган назорат тадбирлари якунлари бўйича тақдим этилган ахборотларни Вазирлар Мажкамасининг мажлисларида муҳокама қилиб бориш тартиби йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, 2025 йил 1 январдан бошлаб молиявий ва бошқа хавфларнинг олдини олиш учун давлат органлари ва ташкилотлари биринчи раҳбарлари бошчилигіда коллегиал асосда **“Хавфларни бошқариш” қўмиталарини** тузиш белгиланди.

Ҳисоб палатаси томонидан бюджет интизомига риоя қилиш, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши бўйича 2024 йилда **36 та** назорат тадбири ўтказилди.

9,2 трлн сўм бюджет маблағлари мақбуллаштирилиб, устувор мақсадларга қайта йўналтирилди.

Жумладан, давлат мақсадли жамғармаларидан 2,1 трлн сўм, ташаббусли бюджет жараёнлари якунларига кўра тежалган 1,7 трлн сўм мақбуллаштирилди.

496 млрд сўмлик ортиқча тўловлар аниқланиб, шундан **418 млрд** сўми ундирилди ҳамда **55 млрд** сўм ноқонуний харажатларнинг олди олинди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда тизим ташкилотларида бюджет тизими бюджетларидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган харажатлар самарадорлиги ҳамда қонунийлиги аудитдан ўтказилди.

Олий таълим тизимидағи **35 та** муассасада **499 нафар** ўқитувчига аслида академик даража бериш хуқуқига эга бўлмаган сертификатлар асосида **15,1 млрд** сўм ноқонуний тўлангани аниқланиб, бюджетга ундирилди.

Смета-штат интизомини бузган ҳолда **иши ҳақи** ҳамда **стипендия** тўловлари учун бюджет маблағларидан **45,2 млрд** сўм ортиқча сарфланган бўлса, **73,7 млрд** сўм мақсадсиз харажатларга йўл қўйилган.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимида **14 млрд** сўмлик ортиқча тўловлар, камомадлар, мақсадсиз ва самарасиз сарфланган маблағлар ҳамда бошқа қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган.

Бундан ташқари, депозитга қўйилган **18 млрд** сўмлик маблағ ҳисобидан умидсиз дебитор қарздорлик вужудга келган.

Иссиқлик таъминоти корхоналари учун аҳолига тарифларни паст нархларда ушлаб туриш натижасида кўрилган зарарни қоплаш харажатлари ўрганилди.

«Veolia Energy Tashkent» Maxsus лойиха компанияси билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўртасида расмийлаштирилган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича аҳолига пасайтирилган

тариф қўлланилиш натижасида кўрилган зарарлар ўрнини қоплаш учун **277 млрд** сўм ортиқча субсидия маблағлари ажратилганлиги аниқланган.

Бошқа соҳаларда **1,7 трлн** сўмлик мақсадсиз ва самарасиз харажатларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, бартараф этиш чоралари кўрилди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида айрим таъминотчилар томонидан ҳақиқатда мавжуд бўлмаган маҳсулотлар платформа орқали реализация қилиниб, ўртacha **25 фоизга** қуммат нархда сотилган.

Масалан, мототранспортлар **558 млрд** сўмга, иссиқхона қуриш **207,5 млрд** сўмга ва мотокультиваторлар **113 млрд** сўмга қуммат нархларда етказилган.

«**Маркетплейс**» тизимида ноҳалол таъминотчилар реестри шакллантирилиши автоматлаштирилиб, кредитлашнинг барча босқичлари бўйича мониторинг йўлга қўйилди.

2024 йилда ўтказилган назорат тадбирлари якуни билан камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъул ижрочиларга **223 та кўрсатма, **43 та** тақдимнома ҳамда **683 та** таклиф ва **700 дан** ортиқ тавсиялар киритилди.**

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб – қувватлаш жамғармасидан ажратилган субсидия маблағларининг мақсадли сарфланиши ўрганилганда **5 млрд** сўм **субсидия самарасиз сарфланганлиги** ва низом талабларига амал қилинмаган ҳолда **500 млн** сўм субсидия тўлаб берилганлиги аниқланди.

Маҳаллий бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ўрганилганда **Жиззах** вилоятида **27,4 млрд** сўмлик, **Самарқанд** вилоятида **19,4 млрд** сўмлик молиявий хатоликларга йўл қўйилганлиги аниқланган.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш, жумладан, очик маълумотлар порталига маълумотларни ўз вақтида жойлаштиришни таъминламаган **54 та** вазирлик ва идораларга кўрсатмалар юборилди.

Давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва шаффоф харидлар тизимини яратиш

Коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган **давлат харидлари соҳасида** ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

Жумладан, давлат харидлари тизимини такомиллаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган **15 та** норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, **5 таси** қабул қилинди.

Маълумот учун: “Давлат харидлари тұғрисида”ги ва “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тұғрисида»ги қонунларга құшимча ва ўзгартырыштар киритиш тұғрисидаги 2 та қонун, 2025 – 2027 йилларда давлат харидлари тизимини тәкомиллаштыриш ва ривожлантириш стратегияси, Давлат харидларида ишлаб чықарувчиларни құллаб-куевватлаш ҳамда уларга кенг имконияттар яратиши бүйича құшимча чора-тадбирлар тұғрисидаги ва Давлат харидларида кичик тадбиркорлық субъектлари иштирокини рағбатлантириш чора-тадбирлари тұғрисидаги 2 та қарор.

Натижада:

- ➁ давлат буюртмачилари томонидан тұғридан-тұғри шартномалар тузилишидан олдин камида **бір іш куни**, тендер савдолари натижаларини эса камида **икки іш куни** давомида **жамоатчилик мұхқамасидан** ўтказиш тизими йўлга қўйилди;
- ➂ Ягона етказиб берувчилар реестрига **Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси** хulosаси асосида киритиш тартиби жорий этилди;
- ➃ **тұғридан-тұғри шартномалар тузишни камайтириш** давлат органлари раҳбарларининг энг мұхим самарадорлик күрсаткичларидан (КРІ) бири сифатида белгиланди ҳамда тұғридан-тұғри харидларнинг улушкини кескин камайтириш бүйича кўрилган чоралар юзасидан **Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беріб бориш** тизими йўлга қўйилди;
- ➄ тадбиркорлық субъектларининг давлат харидлари тұғрисидаги қонунчилек талабларига риоя этишини инсон омилисиз баҳолаб борувчи **скоринг тизими** жорий этилди;
- ➅ давлат харидлари субъектларига давлат харидлари электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар күрсатища **давлат харидлари электрон тизими оператори** фаолиятини амалга ошириш учун **рухсатнома олиш** талаби белгиланди;
- ➆ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тұғрисида”ги Қонуни шикоятларни кўриб чиқиша манфаатлар тұқнашувини назарда тутувчи 79¹-модда билан түлдирилиб, Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бүйича комиссия аъзоларида харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари билан **манфаатлар тұқнашуви**, шунингдек, **аффилланганлик** мавжуд бўлган тақдирда, **ўзини ўзи рад этиши** ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги тартиби ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги ўқув марказыда давлат буюртмачилари ҳамда корпоратив ташкилотларнинг харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва үтказиш учун масъул шахслари учун “**Давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби**”, “**Давлат харидларида етказиб берувчилар учун махсус курс**”, “**Харид комиссияси фаолияти ва уни ташкил этиш махсус ўқув курси**” номли малака ошириш курслари ташкил этилди.

Мазкур курсларда анъанавий (*ишдан ажралған ҳолда*) ҳамда масофавий таълим шаклида **3 470 нафар** ходим малакаси оширилди.

Давлат харидлари соҳасида шикоятларни электрон шаклда кўриб чиқиш учун мўлжалланган тизим (*dxt.mf.uz*) давлат харидлари электрон тизими операторларининг дастурлари билан интеграция қилинди.

Давлат харидлари жараёнининг очиқлигини таъминлаш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида **тадбиркорлик субъектларининг охирги манбаатдор шахслари** (бенефициарлари) тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш тизими давлат харидлари махсус ахборот порталида жорий этилди.

Амалга оширилаётган ишлар натижасида Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида үтказилган 5-босқич мониторинг натижасига кўра, Ўзбекистон давлат харидлари тизими 53.2 балл билан “**юқори**” тоифага кўтарилиди.

Бироқ, давлат харидлари соҳасида қонунбузилиши ҳолатлари, коррупция хавф-хатарлари юқорилигича сақланиб қолмоқда.

*Бош прокуратура томонидан 2018 - 2024 йилларда давлат харидларини амалга оширишда содир этилган коррупциявий жиноятлар таҳлил қилинганда, соҳада **791 нафар** шахс жиноий жавобгарликка тортилгани аниқланди.*


*Уларнинг **89 нафарини** давлат иштирокидаги ташкилотлар, **238 нафарини** тадбиркорлик субъектлари ҳамда **464 нафарини** давлат органлари вакиллари ташкил этади.*

Жавобгарликка тортилган давлат органлари вакиллари

12 нафари	қурилиш
14 нафари	молия
14 нафари	қишлоқ хўжалиги
14 нафари	бандлик
15 нафари	маданият
16 нафари	спорт
17 нафари	олий таълим
73 нафари	маҳаллий давлат ҳокимияти
116 нафари	соғлиқни сақлаш
149 нафари	мактабгача ва мактаб таълими

Давлат харидлари тўғрисидаги қонунбузилиши ҳолатлари бўйича **маъмурий ҳуқуқбузарлик** содир этиш тенденцияси давом этмоқда.

Давлат харидлари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар сони (МЖтК 175⁸-моддаси)



Ҳисоб палатаси томонидан давлат харидларининг самарадорлиги ва қонунийлиги юзасидан **21 та** аудит тадбири ўтказилиб, **4,5 трлн** сўмлик давлат харидлари түфрисидаги қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари аниқланган.

*Масалан **772,1 млрд** сўмлик түфридан-тўғри тузилган шартномалар давлат харидлари түфрисидаги қонунчилик талаблари бузилган ҳолда амалга оширилган.*

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан **121 та** ҳолатда давлат харидлари билан боғлиқ **1,1 трлн** ноқонуний харажатларнинг олди олинган.

*Харид талабларига зид равишда түфридан-тўғри тузилган **595 млрд** сўмлик, “Шаффофф қурилиш” тизимини четлаб ўтиши асосида тузилган **255 млрд** сўмлик, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш билан боғлиқ **96 млрд** сўмлик, харид қиймати бўйича ўрнатилган чекловларни бузган ҳолда тузилган **63,9 млрд** сўмлик, харид қийматини экспертизадан ўтказмасдан тузилган **23 млрд** сўмлик ҳамда бошқа турдаги ноқонуний келишувлар билан боғлиқ **59,1 млрд** сўмлик шартнома ва битимлар бекор қилинган.*

Тадбиркорлик ва бизнес соҳасида коррупциянинг олдини олиш масалалари

Хусусий секторда коррупциянинг олдини олиш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишида аралashiшга йўл қўймаслик, тадбиркорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 11 ноябрдаги ПФ-184-сон Фармони билан тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан **назорат қилиш тизимини** такомиллаштириш ва ушбу соҳада **коррупциявий омилларни бартараф** этиш мақсадида:

- ⦿ тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилишга ваколатли органлар ва уларнинг назорат соҳалари рўйхати тасдиқланди ҳамда рўйхатга киритилмаган органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида назорат тадбирларини ўтказиш тақиқланди;
- ⦿ **2025 йил 1 январдан** бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувларни **“Ягона давлат назорати”** ахборот тизимида рўйхатга олиш орқали **Бизнес-омбудсманни хабардор этиш тартиби** йўлга қўйилди;
- ⦿ **“Хавфни таҳлил қилиш”** электрон тизими ишга туширилиб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳукуқбузарлик содир этиш хавфини **“паст”, “ўрта”** ва **“юқори”** даражаларда таснифлаш ҳамда хавф даражасига қараб текширув ўтказиш тартиби йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 9 январдаги ПФ-8-сон Фармони билан Тадбиркорлик соҳасида **лицензиялаш, рухсат бериш** ва хабардор қилиш тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида 2024 йил 1 мартаңдан бошлаб **19 та** ҳужжат ва тартиб-таомиллар бекор қилинди ва **3 таси** хабардор қилиш тартибиغا ўтказилди.

Масалан, божхона ташувчиларининг реестрига кириши, Туаржайни ижарага беришнинг Ягона электрон реестрига кириши, Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларининг малакасини ошириш фаолиятини бошлаганлик ёки тугатганлик тұғрисида хабарнома, Маданий бойликларни реализация қилиш бүйича фаолиятни бошлаганлик ёки тугатганлик ҳақида хабарнома ва бошқа.

- ➁ лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш жараёнида видеоалоқа воситалари ёрдамида талабгорларнинг лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар талаб ва шартларига мувофиқлигини масофадан туриб баҳолаш тартиби жорий этилди;
- ➂ тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки қайта рўйхатдан ўтказишида унинг почта манзили сифатида муассиснинг турар жойини кўрсатишига рухсат берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 январдаги ПҚ-39-сон Қарори билан **тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтинги** жорий этилди.

Юқори барқарорлик рейтингидаги тадбиркорлик субъектлари учун **солиқ текширувлари ўтказилмаслиги** ва имтиёзли кредитлари тақдим этилиши, шунингдек, субсидиялар, имтиёзлар ва преференциялар уларнинг **рейтинг даражасидан келиб чиққан ҳолда** берилиши белгиланди.

Тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида **Савдо саноатпалатаси** томонидан **1 041 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойихалари бўйича **жамоатчилик экспертизаси** ўтказилиб, **900 та** таклиф ишлаб чиқилди.

БМТнинг Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда “Тадбиркорлик фаолияти ва унинг устидан давлат назорати жараёнларида коррупция хавфини камайтириш” мавзусида III Бизнес-форум ўтказилди.

2024-йилда Ўзбекистон бизнесининг коррупцияга қарши курашиш Хартияси бўйича маҳсус комиссиянинг **1 та** йиғилиши ўтказилди ва **19 та** тадбиркорлик субъекти хартия аъзолигига қабул қилинди.

Бизнес-омбудсман томонидан тадбиркорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш борасида 2 580 та таъсир чораси, шундан 58 та даъво аризаси (шикоят), 74 та тақдимнома, 147 та хулоса, 35 та огоҳнома ва 2 266 та маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Натижада ҳисобот даврида судлар томонидан 16,6 млрд сўмлик даъво тадбиркорлар фойдасига ҳал этилган, 118 та қарор бекор қилинган ва 123 нафардан ортиқ масъулга интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Бундан ташқари, Бизнес-омбудсман ҳамда БМТнинг Гиёхвандлик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси билан ҳамкорликда “Тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш жараёнида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш” дастури амалга оширилди.

Дастур доирасида 11 та норматив-хуқуқий ҳужжат коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди.

9

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ

Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда энг самарали воситалардан бири бу – кенг ахоли вакилларида коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириши ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари устидан самарали жамоатчилек назоратини ўрнатиши ҳисобланади.

Бу борада коррупцияга қарши курашиш жараёнларига ахоли, хусусан, ёшлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаол жалб этилиб, республика ва ҳудудларда давлат органлари фаолияти мувофиқлаштириб борилди.

9.1 Ёшларда коррупцияга қарши курашиш иммунитетини шакллантириш

Ёшларни коррупцияга муросасиз рухда тарбиялаш ва мазкур жараёнга фаол жалб қилиш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашнинг 2024 йил 26 январдаги 12-сонли баённомаси билан GRACE дастурини Ўзбекистонда жорий этиш бўйича **2024-2027 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” тасдиқланди ва ижроси таъминланди**.

Маълумот учун: GRACE дастури БМТнинг *Гиёхванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси* томонидан 2021 йилда ишга туширилган, коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш ташаббуси ҳисобланади. **GRACE дастурининг мақсади** – таълим ва ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳалар орқали дунё ёшлари орасида коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантириши ҳисобланади.

Ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот тадбирлари

2024 йил давомида ёшлар ва жамоатчилек ўртасида коррупциянинг салбий оқибатларини тарғиб қилиш, унинг олдини олиш ва ҳалолликни мустаҳкамлашга қаратилган тизимли тарғибот ишлари амалга оширилди.

Агентлик ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан коррупцияга қарши курашишни тарғиб қилувчи **10 турдаги** тарғибот материаллари (буклетлар, фото, видео ҳамда аудио материаллар) ишлаб чиқилди.



YOSHLAR ISHLARI
AGENTLIGI

Ешларишлариагентлигитомониданмаҳаллалардаги ёшлар етакчилари, профилактик инспекторлар ва тегишли ташкилотлар билан биргаликда коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш учун **9 452 та** йиғилиш ва тарғибот тадбирлари ўtkазилди. Бу тадбирларда ёшлар ўртасида коррупциянинг салбий оқибатлари ва унинг жамиятга бўлган заرارли таъсири ҳақида маълумотлар берилди.

*Маҳаллалардаги **682 минг нафар** ёшлар орасида коррупцияга қарши курашиш ҳақида маълумот берилган. Тадбирлар доирасида **5 мингдан** ортиқ ёшларни жалб этиши учун маҳсус тарғибот кампаниялари ташкил этилди.*

*Маҳаллаларда коррупциянинг жамият ва ёшлар ҳаётига бўлган салбий таъсири бўйича **1 345 та** давра сұхбати ўtkазилди, ушбу сұхбатларда ёшлар, ота-оналар ва педагоглар ўртасида коррупциянинг ижтимоий ва иқтисодий таъсири ҳақида ўрганиш ишлари олиб борилди.*

Коррупциянинг салбий оқибатлари ҳақида **5 минг нафар**дан ортиқ ёшларни ўз ичига олган тарғибот материаллари тарқатилди ва уларнинг жамоатдаги енгилмаслиги ва ҳалолликни қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти тушунирилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан #Stop_korrupsiya хештеги остида олий таълим муассасаларининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида **485 маротаба** челлендж ўtkазилди.

Ўтказилган челленджларда жами **57 142 нафар** ходимлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Ёшлар учун ташкил этилган интерактив тадбир ва семинарлар

2024 йилнинг ноябрь-декабрь ойлари давомида **126 та** олий таълим ташкилотларида “Ёшлар коррупцияга йўқ дейди” мавзусида “Энг яхши расмлар”, “Коррупциядан ҳоли таълим муассасаси” мавзусида “Энг яхши видеороликлар” республика кўрик-танловлари ҳамда Коррупцияга қарши курашишга оид билимлар беллашувининг барча босқичлари юқори савияда ташкил этилди.

Танлов ва беллашувлар билан **145 минг** нафардан ортиқ талаба-ёшлар қамраб олинди.

Ёшларнинг коррупцияга қарши курашишга оид билимларини баҳолаш мақсадида “ОТМ – вилоят – республика” тизими асосида билимлар беллашуви мусобақалари ташкил этилиб, олий таълим муассасалари босқичларида **18 603 нафар** талаба-ёшлар иштирок этди.

2024 йилнинг 22 ноябрь куни Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан БМТнинг Гиёхванд моддалар ва жиноятычилик бүйича бошқармаси, “Минтақавий мулоқот” ХННТ ва Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (ГИЗ) ҳамкорлигидә “**БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси иштирокчи-давлатлари конференцияси модели: иккинчи босқични амалга ошириш обзори**” ўтказилди.

Тадбирда Қорақалпоқ давлат университети, Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат юридик университети, Судьялар олий кенгashi хузуридаги Судьялар олий мактаби, Ўзбекистон Миллий университети, Термиз давлат университети, Наманган давлат университети ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясидан бакалавриат талабалари ва магистратура тингловчилари иштирок этди.

Ихтисослаштирилган муассасаларда коррупцияга қарши курашиш дастурларининг жорий этилиши

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигитомонидан “Grace” платформасидаги қўлланма ва видеоматериаллар давлат тилига таржима қилинди.

Дастурнинг Академик тармоғи (The anti-corruption academic (ACAD)га Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида таълим ва тадқиқотларни амалга оширувчи **15 нафар** профессор-ўқитувчиларининг аъзо бўлиши таъминланди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳамда масъул вазирликлар томонидан “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасида олий таълим муассасалари, профессионал таълим ва академик лицейлар талабалари учун мўлжалланган “Коррупцияга қарши курашиш” маҳсус ўқув курси дастури, шунингдек, таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари учун маҳсус ўқув курси дастури ишлаб чиқилди.

9.2 ННТ ва ОАВларнинг коррупцияга қарши курашишдаги иштирокини кенгайтириш

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаоллигини ошириш бүйича ташкилий-амалий жиҳатдан кўмак берилиб, **34 та семинар-тренинг** тадбирларида **840 нафардан ортиқ** нодавлат сектор, ОАВ вакиллари, журналист, блогерлар ва бошқа шахсларнинг соҳага оид билим ва кўнимкамлари оширилди. Жумладан:

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Давлат бошқаруви академиясида** нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш вазифаси доирасида ўқув-дастурига “Коррупцияга қарши курашда жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва жамоатчилик мониторингини ташкил этиш” мавзуси киритилди.*

Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан биргаликда “Коррупцияга қарши курашишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштироки” мавзусида амалий мулоқот ўтказилди (2024 йил, 8 май).

Нодавлат нотижорат ташкилотлари учун “Коррупцияга қарши курашишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштироки: хориж тажрибаси” мавзусида онлайн семинар ташкил этилди (2024 йил, 14 июнь).

Агентлик ва “Ижтимоий фикр” маркази томонидан “Коррупция жамоатчилик фикри кўзгусида” (“Фуқаролар Ўзбекистонда коррупция тұғрисида” мавзусида ўтказилган социологик тадқиқот натижалари асосида) давра сухбати ўтказилди (2024 йил, 27 июнь).

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги БМТ ТД, Европа Иттифоқи билан ҳамкорликда Агентлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, Экспертлар гурухи ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Ёзги мактаб семинари ташкил этилди (2024 йил, 26-27 июнь).

16 октябрь куни “**IV Тошкент Аксилкоррупция Форуми**” доирасида “**Коррупцияга қарши курашишда ННТлар иштироки: миллий ва хорижий тажриба таҳлили**” мавзусидаги интерактив сессияси ташкил этилди. Унда ННТларнинг коррупцияга қарши курашишдаги ўрни ва роли, хорижий амалиёт ва тажриба, халқаро ва маҳаллий ННТлар ушбу йўналишда амалга оширган ишлари, эришган натижалари, юзага келган муаммолар борасида ўзаро фикр алмашилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан амалий муроқот ва ҳамкорлик доирасида бажарилған ишлар

Үтказилған семинар ва тренинглар нотижасида ННТларнинг коррупцияга қарши курашиш жараёнида иштироки сезиларли равишда жонланды. Улар ташаббуси билан амалий муроқот, жамоатчилик әшитувлари ташкил этилди.

2024 йилда Агентлик буюртмасига асосан Олий Мажлис хузуридаги жамоат фонди томонидан 400 млн сүмлик грант танлови өзөндең қилинді.

Унда “Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари “Эзгулик” жамияти” ғолиб деб топилиб, Республиканинг **14 та** ҳудудида ННТ вакиллари учун амалий семинарлар ташкил этди.

2024 йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда ва Евropa Иттифоқи молиявий күмагида “Коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишда инновацияларни ишлаб чиқиши ва амалга жорий этиш жараёнига фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш” мавзусида грантлар танлови нотижасида **8 та** ННТга **665 млн** сүмлик грант ажратилди.

Ушбу лойихаларнинг амалга оширилиши нотижасида нодавлат ташкилотлари томонидан:

- ➊ коррупцияга қарши курашиш йұналишида лойиха ва амалий тадқиқоттарни тизимли амалга ошириш йўлга қўйилди;
- ➋ соҳа ва йұналишлардаги коррупциянинг сабаб ва омиллари аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича ҳукуматга таклифлар киритиб борилмоқда;
- ➌ ахоли, хусусан, ёшлар ва аёлларда коррупцияга қарши муросасиз кайфиятни шакллантиришга қаратилған лойихалар амалга оширилмоқда;
- ➍ барча вилоятлардаги олий таълим муассасаларида (61 та) Аксилкоррупция коворкинг марказлари ташкил этилди;
- ➎ ёшлар учун расмли Аксилкоррупция алифбоси яратилди;
- ➏ кўришда ва эшишида нуқсони бор шахслар учун методик ва амалий қўлланмалар тайёрланмоқда.



Бундан ташкари, “Юксалиш” ҳаракати томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда “Минтақавий муроқот” халқаро нодавлат ташкилоти (Словения) билан ҳамкорликда амалга ошираётган **Аксилкоррупция лабораторияси** давом эттирилди ҳамда 2024 йилда **2 та** мавзу бўйича тадқиқотлар олиб борилди.


Лойиха доирасида “Мактабга қабул қилишда коррупция хавфини камайтириши бүйича тавсияларнинг бажарилишини мониторинг қилиш” ҳамда “Ипотека кредити учун субсидия ажратыш жараёнида коррупция хавфлари” мавзусидаги тадқиқоти олиб борилди.

Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Юксалиш” ҳаракати, “Search Uzbekistan” ҳалқаро нотижорат ташкилотининг Ўзбекистондаги филиали билан ҳамкорликда #Ёшхабардор: “Ёшлар коррупцияга қарши” лойихаси амалга оширилмоқда ҳамда лойиха доирасида Жиззах, Қашқадарё вилояти, Қорақалпоғистон Республикасидаги ёшлар учун тренинглар ташкил этилди.

Худудларда ННТларни жалб этишга қаратилган тадбирлар

2024 йилда **1 млрд 434 млн 400 минг сўмлик** грант танловлари (2023 йилда 266 900 000 сўм) эълон қилинди.

Маълумот учун: 2023 йилдан бошлаб илк марта худудлардаги ННТлар учун грант ва ижтимоий буюртмалар эълон қилинди ҳамда унда худудий ННТлар иштирок этиб, лойихаларни амалга ошируди.



Маълумот учун: Тошкент шахри (грант лойиҳаларининг умумий қиймати 170 миллион) ва **Сирдарё** (50 миллион) вилоятидан грант лойиҳага аризалар келиб тушмаганлиги сабабли мазкур ҳудудларда фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг коррупцияга қарши курашишдаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар **амалга оширилмади**.

Грант лойиҳалари доирасида коррупцияга қарши фаол тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Жумладан, Адлия вазирлиги Фахрийлар Кенгashi Навоий вилояти бўлинмаси томонидан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида биттадан мактаб танлаб олиниб, вилоят адлия бошқармаси билан ҳамкорликда **11 та “Хуқуқ синфлари”** ташкил этилди. Мисол учун, Навоий шаҳридаги 22-сонли умумий ўрта таълим мактабида намунавий “Хуқуқ синфи” **хуқуқий адабиётлар ва тарғибот баннерлари** билан таъминланди.

Шунингдек, Хатирчи тумани ва Зарафшон шаҳридаги “Хуқуқ синфлари”га умумий қиймати **25 млн** сўмлик парта ва стол-стуллар харид қилинди. Грант лойиҳасини амалга ошириш давомида коррупция ҳолатларининг олдини олишга қаратилган **400 дан ортиқ** буклет ва флаерлар аҳолига етказилди.

“Тажриба майдони: жамоатчилик назорати субъектлари компетентлигини ошириш – ёшларни коррупцияга қарши курашиш руҳида тарбиялашда муҳим қадам” мавзусидаги грант лойиҳаси ғолиби бўлган “Ноила” ижтимоий кўмак, ҳуқуқий тарғибот ва мониторинг маркази томонидан ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида “Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратининг роли ва аҳамияти” мавзусида ўқув семинарлари ташкил этилди.

Самарқанд вилояти ва **Қорақалпоғистон Республикаси**даги нодавлат нотижорат ташкилотлари тарғибот-ташвиқот тадбирларининг ноодатий усуллардан фойдаланишда алоҳида фаоллик кўрсатди.

“Жайхун илҳомлари” нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан лойиҳа доирасида режиссёр Марс Нуратдинов бошчилигидаги ижодкорлар гуруҳи билан коррупциянинг давлат ва жамият тараққиётига салбий таъсири, порахўр ҳамда тамагир шахсларнинг тақдирни ҳақида **саҳна асари** тайёрланди.

“Самарқанд ёшлар мультимедиа маркази” томонидан коррупциянинг олдини олиш, унга нисбатан иммунитет шакллантириш ҳамда ушбу жиноятга жазо муқаррар эканлигига оид **6 та** ижтимоий видеоролик тасвирга олинди.

9.3 Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолияти

Давлат ва жамият үртасида таъсирчан ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўйиш, давлат органлари фаолиятининг шаффоғлигини, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тұғрисида**”ги ПҚ-3837-сон қарори билан вазирлик, идоралар, ҳокимликлар тизимида **жамоатчилик кенгашлари** фаолияти йўлга қўйилди.

Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги “**Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида**”ги ПФ-124-сон Фармони билан:

- ⇒ Жамоатчилик кенгашлари раислари фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасидан тасдиқланиши;
- ⇒ ҳар йили Жамоатчилик кенгашларининг фаолияти самарадорлиги баҳоланиб, натижалари эълон қилиниши;
- ⇒ Жамоатчилик кенгашларининг фаол аъзолари давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан моддий рафбатлантириб борилиши белгиланди.

Мазкур фармон ижроси бўйича Жамоатчилик кенгашлари фаолияти ўрганилганда, бир қатор камчиликлар аниқланган.

Хусусан, ўрганишларда **25 та** Жамоатчилик кенгашида ННТ вакиллари етарли таркибда иштирок этмаётганлиги, **3 та** Жамоатчилик кенгашида аъзолар сонининг белгиланган талаблардан (15 нафар) камлиги, **7та** кенгаш раиси давлатхизматчилари орасидан тасдиқланганлиги аниқланган.

Масалан, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (13 нафар), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (11 нафар) ва Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси (7 нафар) Жамоатчилик кенгаши аъзолари сони **15 нафардан** кам таркибда ташкил этилган.

Соғлиқни сақлаш, Энергетика, Ташқи ишлар, Камбағаллик ва бандлик вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Маданий мерос агентлигига мазкур ташкилотлар ходимлари Жамоатчилик кенгашига раҳбар сифатида тайинланган.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги ПФ-124-сон Фармонига мувофиқ, Жамоатчилик кенгашлари раислари фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасидан тасдиқланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-куватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури түғрисида”ги ПФ-37-сонли Фармонига мувофиқ, Агентлик томонидан ҳам **84 та** давлат органи ва ташкилотлари хузуридаги Жамоатчилик кенгашларининг белгиланган талабларда фаолият юритиши, маълумотларни очиқланиши мониторинг қилинганда, юқоридағи каби камчиликлар аниқланган.

Қонунчиликка кўра, Жамоатчилик кенгашларига давлат органи фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш, давлат органининг хборотлари, статистика ва бошқа материалларини белгиланган тартибда олиш, давлат органи томонидан ишлаб чиқилган норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва экспертлар мухокамасини таъминлашда иштирок этиш каби бир қатор хуқуқлар берилган.

Бироқ, давлат органлари хузуридаги Жамоатчилик кенгашлари фаолияти асосан маданий-маърифий тадбирларда иштирок этиш билан **чекланиб қолмоқда**.

Давлат органлари фаолиятининг **“Очиқлик индекси”ни** баҳолаш доирасида Жамоатчилик кенгашлари түғрисидаги маълумотларни расмий веб-сайтга жойлаштирилганлик ҳолати таҳлил қилинганида, Андижон, Жиззах ва Сирдарё вилоят ҳокимларни расмий веб-сайтида Жамоатчилик кенгаши ҳақидаги маълумотларнинг жойлаштирганлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги Жамоатчилик кенгашининг ташкилий-хуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда эълон қилинмаганлиги аниқланган.

10

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ МИЛЛИЙ КЕНГАШЫ ВА УНИНГ ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИ

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашы фаолияти

2024 йил давомида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг **5 маротаба** Миллий кенгаш йиғилиши ташкил этилиб, йиғилиш натижалари бүйича Иш режа, чора-тадбирлар режалари тизимли равишда ишлаб чиқылди ва ижрода қаратилди.

Миллий кенгаш томонидан мамлакатда коррупциянинг олдини олиш ҳамда соҳалар ва худудлар миқёсида превентив чораларни кучайтириш, “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган иш режалари қабул қилиниб, уларнинг ўз вақтида амалга оширилиши таъминланмоқда.

Кенгаш йиғилишларида фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашишдаги ролини кучайтиришга қаратилған, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари малакасини оширишга оид семинарлар ўтказиш режа-жадвали, Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилиш бүйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Мазкур чора-тадбирлар ижроси натижасида:

- ⇒ давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ўрганиш якунлари муҳокама қилинди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқылди;
- ⇒ давлат хизматида манфаатлар тұқнашуви ҳақида хабар беріш ва уни ҳал этиш тизимини жорий этиш бүйича ташкилий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқылди ва амалга оширилди;
- ⇒ давлат органдар ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни аниклаш натижалари муҳокама қилиб борилди;
- ⇒ ёқилғи-энергетика, сув хўжалиги соҳасида, Энергетика вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш бўйича дастурлар қабул қилинди;

- ➊ Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши курашишга оид халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилашга доир вазифалар белгиланди;
- ➋ Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ва коррупцияга қарши курашишга оид давлат дастурлари ижроси бўйича ахборотлар эшитилди;
- ➌ 9-декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш курашиш куни муносабати билан ҳар йили анъанавий тарзда “Аксилкоррупция ҳафталиги”ни ўтказиш белгиланди;
- ➍ Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси (GRACE) дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Ахборотларда соҳада йўл қўйилаётган камчиликларга эътибор қаратилиб, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Ҳудудий кенгашлар билан ишлаш

2024 йил давомида ҳудудий кенгашлар томонидан ўз фаолиятини ёритиш, коррупцияга қарши курашиш жараёнларига фуқаролик жамияти институти вакилларини фаол жалб қилиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари учун очиқлик соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ижроси, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш, қонунчиликдаги бўшлиқлар ёки коррупцияга сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш каби мавзуларга оид **8 маротаба** масофавий семинар машғулотлари ташкил этилди.

Агентлик раҳбариятининг ҳудудларга **10 та** ишчи сафари амалга оширилди ва ҳудудлар фаолияти танқидий руҳда кўриб чиқилиб, натижалари бўйича фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилди.

2024 йил 4-чоракдан бошлаб, Агентлик ва БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг **Мирзо Улуғбек** тумани, Жиззах вилоятининг **Жиззах шаҳри**, Бухоро вилоятининг **Вобкент туманида “Шаффоғ шаҳарлар”, “Ҳалол туманлар”** лойиҳаси ишга туширилди.

Маълумот учун: «Шаффоф шаҳарлар» ва «Ҳалол туманлар» – бу идора ва ташкилотлар ичида коррупциянинг ҳар қандай кўринишини истисно этадиган ҳалоллик, шаффофлик ва ахлоқнинг юкори стандартлари амал қиласидиган махсус яратилган ҳудудлардир. Ушбу лойиҳалар асосидаги методология Марказий ва Шарқий Европа ҳамда Жануби-Шарқий Европанинг 11 мамлакатида ўз самараదорлигини исботлаган.

Фарғона, Сирдарё, Қашқадарё, Навоий ҳамда Тошкент шаҳар ҳудудий кенгашларида Агентлик ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ҳамкорлигида “Коррупцияга оид мурожаатларнинг Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашда таъсири**” мавзусида фуқаролар ва давлат органлари ходимлари ўртасида аноним сўров ўтказилди.**

Фарғона, Сирдарё, Қашқадарё, Навоий ҳамда Тошкент шаҳар ҳудудий кенгашларида Агентлик ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ҳамкорлигида “**Коррупцияга оид мурожаатларнинг Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашда таъсири**” мавзусида фуқаролар ва давлат органлари ходимлари ўртасида аноним сўров ўтказилди.

Умуман олганда, 2024 йилда Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашларининг тарғибот-ташвиқот қилиш, турли акция, флешмоблар ташкил этиш, фуқаролик жамияти институти вакиллари, ёшлар билан ишлаш масалаларида ўсиш кузатилди.

Ўз навбатида, коррупцияга қарши сиёsatни ҳудудда мувофиқлаштириш, соҳага оид ҳужжатларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш каби масалаларда ҳам фаоллик талаб этилади.

Шунингдек, коррупциявий вазиятдан ёки хавф-хатарлардан келиб чиққан ҳолда, давлат хизматчиларининг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, аҳоли ва давлат хизматчилари ўртасида ижтимоий сўровлар ва тадқиқотлар ташкил этиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифларни тайёрлаш бўйича ҳам зарурий чораларни кўришни тақазо этмоқда.

11

МИЛЛИЙ РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАР

11.1 Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш


Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги рейтинги шакллантирилди.

2024 йил якунлари бўйича **102 та** давлат ташкилоти фаолияти (жумладан, **14 таси илк маротаба, 89 таси эса такроран**) рейтинг баҳоланиб, шундан **41 та** ташкилот фаолияти самарадорлиги “яхши” – (81-100 балл), **53 та** ташкилот “қониқарли” – (55-80 балл) ва **8 та** ташкилот “қониқарсиз” – (55 баллдан паст) тоифага ажратилди.

Рейтинг натижаларининг холислигини таъминлаш мақсадида фуқаролик жамияти институтлари вакилларидан иборат бўлган **Рейтинг баҳолашни мустақил амалга оширувчи эксперталар гурӯҳи** томонидан баҳолаш натижалари мустақил ва холис кўриб чиқилди ҳамда хulosалар тақдим қилинди.

*Таҳлилларга кўра, бу йилги рейтинг натижалари ўртача **73,8 баллни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан 4,9 баллга (95 та давлат ташкилоти ўртача 68,9 балл), 2022 йилга нисбатан эса 14,3 баллга (62 та давлат ташкилоти 59,5 балл) яхшиланган.***

Шу билан бирга, 2023 йилги рейтинг баҳолашда “қониқарсиз” деб топилган **13 та** давлат ташкилоти фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Агентлик билан ҳамкорликда амалга оширилган манзилли чора-тадбирлар натижасида уларнинг фаолиятида ҳам ижобий ўсиш кузатилди.



1. “Қониқарсиз” тоифадаги 8 та ташкилот фаолиятида коррупциянинг олдини олишга қаратилган механизмларни жорий этиш бўйича сусткашликка йўл қўйилган.

Маълумот учун: Ғазначилик хизмати қўмитаси (17 балл), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (26 балл), “Фармацевтика маҳсулотлари ҳавфсизлиги маркази” ДМ (28 балл), “Давлат экологик экспертизаси маркази” ДМ (48 балл), “Ўзагролизинг” АЖ (53 балл), Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиши маркази (53 балл) илк баҳолашдан ўтказилган бўлиб, фаолияти қониқарсиз баҳоланган.

Мазкур ташкилотлар қўйидаги баҳолаш мезонлари бўйича чора-тадбирларни амалга оширгмаган ёки бу ҳақда Агентликка маълумот тақдим этмаган:

- ⇒ коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш;
- ⇒ ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш;
- ⇒ аниқланган ва баҳоланган коррупциявий ҳавф-хатарларни минималлаштириш;
- ⇒ ички назорат тузилмаси фаолиятини самарали ташкил этиш.

“Ўзбеккўмир” АЖ (48 балл) ўтган йили ижобий натижани (2023 йилда – 60 балл) қайд этган бўлишига қарамай, жорий рейтинг баҳолашда “қониқарсиз” тоифадан жой олди.

Агросаноатни ривожлантириш агентлиги фаолияти 9 балл билан (2023 йилда – 16 балл) кетма-кет икки йил давомида “қониқарсиз” деб баҳоланди.

Мазкур ташкилотлар раҳбарларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича шахсий ташаббуси етарли эмаслиги, жавобгарлик механизмининг белгиланмаганлиги ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали жорий этишга эътибор қаратилмаганлиги қониқарсиз баҳоланишига сабаб бўлган.

2. “Қониқарли” деб топилган **53 та** давлат ташкилоти фаолиятида коррупцияга қарши курашиш бүйича чоралар амалга оширилган бўлса-да, белгиланган тадбирлар ижросини назорат қилиш соҳасида камчиликлар мавжудлиги кузатилди.

Хусусан, ташкилотлар томонидан коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бүйича кўрилган, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот тадбирлари ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар баҳолаш жараёнида тақдим этилмаган.

3. Рейтинг баҳолаш тизимида энг юқори натижка **“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ** (96 балл), **Төғ-кон саноати ва геология вазирлиги** (95 балл), **Марказий банк** (94 балл) томонидан қайд этилган.

Умуман олганда, рейтинг баҳолаш тизими коррупцияга қарши курашиш соҳасида белгиланган вазифаларни самарали мониторинг қилиш билан бирга соҳада соғлом рақобат мұхитини кучайтириш ҳамда ташкилот раҳбарларининг масъулиягини янада ошириш имконини берди.

Баҳолаш якунлари бўйича қўйидаги ишларни амалга ошириш **режалаштирилган**:

- 1** Долзарб аҳамиятга эга индикаторларни қўшиш, уларни соддалаштириш ва оптималлаштириш орқали рейтинг баҳолаш тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутивчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- 2** рейтинг баҳолаш натижаларига кўра **“яхши”** тоифадаги ташкилотларнинг ижобий тажрибасини оммалаштириш, **“қониқарли”** тоифадаги ташкилотлар фаолиятини янада яхшилаш, **“қониқарсиз”** тоифадаги ташкилотларда аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ҳамда унинг ижросини Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишларида эшлиши.

11.2 Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқлик индекси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-154-сон Фармонига мувофиқ, **2024 йилда** давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлашда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилиниб, мақсадли индикаторлар асосида давлат органларининг **“Очиқлик индекси”** шакллантирилди.

I

Индексда жами **98 та** (2023-йилда – 103 та) давлат идоралари ва ташкилотлари фаолияти қамраб олиниб, **84 та** баҳолаш мезонидан таркиб топган **8 та** индикатор асосида баҳоланди.

Баҳолаш натижаларига кўра, **50 та** давлат органи “**яшил**” (2023 йилда 31 та), **34 таси “сариқ”** (43 та) ва **14 таси “қизил”** (29 та) самарадорлик кўрсаткичларини қайд этган.

Ўтган йилга нисбатан “**яшил**” тоифада баҳолангандан давлат идоралари миқёси **18 фоизга** кўпайиб, “**қизил**” тоифадагилар **15 фоизга** (ижобий ўсиш кўрсаткичлари бўйича) камайган.

(2023 йилдаги баҳолаш кўрсаткичларига нисбатан “**яшил**” тоифада баҳолангандар **31 фоизга** кўпайган бўлса, “**қизил**” тоифадагилар **18 фоизга** (ижобий ўсиш кўрсаткичлари бўйича) камайган)

Энг юқори самарадорлик кўрсаткичлари “**Олмалиқ кон-металлургия комбинати**” АЖ (91 балл), **Солиқ қўмитаси** (90 балл), “**Ўзавтосаноат**” АЖ (89 балл) ва “**Навоий кон-металлургия комбинати**” АЖ (89 балл) томонидан кўрсатилган.

“Ўзсувтаъминот” АЖ, Адлия вазирлиги ва Марказий банк (**84 балл**) “**яшил**”, Кадастр агентлиги ва Энергетика вазирлиги (**70 балл**), “Ўзбектелеком” АК (**69 балл**), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги (**67 балл**) “**сариқ**”, Фарғона вилояти ҳокимлиги (**54 балл**), “Худудий электр тармоқлари” АЖ (**52 балл**), “Тошишаҳартрансхизмат” АЖ (**51 балл**), Кинематография агентлиги (**30 балл**) ва Андижон вилояти ҳокимлиги (**28 балл**) “**қизил**” тоифада баҳоланганди.

Республика даражасида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (**32 балл**), Гидрометеорология хизмати агентлиги (**45 балл**),

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси (**50 балл**) ва Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси (**51 балл**) “**қизил**” тоифада баҳоланганди.

II

Ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг илғор хорижий тажрибага мос равишда очиқланиши ҳамда вакиллик органларининг сайловчилар олдидаги **ҳисобдорлик маданиятини** янги босқичга кўтариш имконини берди.

Мисол учун, 2024 йилда Парламент палаталарининг барча мажлислари (**55 та**) ва ҳудудий Кенгашлар томонидан ўтказилган **907 та** сессия, шунингдек, илмий кенгашларнинг **1.130 та** докторлик (PhD, DSc) илмий даражаларини ҳимоя жараёнлари телеканаллар ва Интернет тармоғи орқали жонли эфирга узатилди.

Кўрилган чоралар натижасида халқаро “**Open Data Inventory**” Очиқ маълумотлар рейтингидаги Ўзбекистон **70 балл** билан жаҳонда **30-ўринни**, Марказий Осиёда **1-ўринни** эгаллаган.

(Ушбу рейтингда Қозоғистон **51**, Қирғизистон **92**, Тожикистон **126**, Туркманистон **195**-ўринларда қайд этилган)

III

Хорижий эксперталар иштирокида очиқликни таъминлашга масъул ходимларни тизимли ўқитиш ва уларга услубий кўмак бериб бориш йўлга қўйилиб, **2024 йилда** ўтказилган **11 та** ўқув курсида **155 нафар** ходимнинг малакаси оширилди.

(Ўқув курсларининг **6 таси** республика даражасидаги (**95 нафар**) ва **5 таси** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (**60 нафар**) ходимларини қамраб олган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 декабрдаги **910-сон** қарори билан очиқликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятни масофадан мониторинг қилиш тартиби тасдиқланиб, Низом асосида унинг барча тартиб-таомиллари белгилаб берилди.

Мазкур қарор билан ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларнинг намунавий шакллари тасдиқланиб, ушбу тоифадаги ахборотларни очиқ эълон қилиш шаклига нисбатан **ягона ёндашув яратилди**.

IV

Очиқ индекси натижалари бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш **режалаштирилган**:

- ⇒ “**Очиқлик индекси**” мезонларини такомиллаштириб, қайта алоқа тизими самарадорлиги ва очиқликни таъминлашга масъул ходимлар фаолиятини баҳолаш механизмларини қайта кўриб чиқиш;
- ⇒ Очиқлик индекси жорий этилиши натижасида эришилган ижобий тажрибани янада оммалаштириш мақсадида баҳолаш жараёнларини қуи тизимларда амалга ошириш. Жумладан, синов тариқасида Тошкент вилоятининг туман ва шаҳар ҳокимлклари фаолияти очиқлиги даражасини баҳолаш;
- ⇒ аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва олдини олишга қаратилган ташкилий чора-тадбирларни **амалга ошириш**:
 - а) “яшил”** тоифада баҳоланган давлат органларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини **рағбатлантириш бўйича** таклифлар тайёрлаш ва ваколатли органга киритиш;
 - б) “сариқ”** тоифада баҳоланганларнинг очиқликни таъминлаш соҳасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
 - в) “қизил”** тоифада баҳоланганларнинг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини интизомий жавобгарлик масаласини қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқиш;
 - г) “қизил”** тоифада баҳоланган Ҳукумат тизимидаидаги идоралар раҳбарларининг ахборотини Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг ахборотини Олий Мажлис Сенати мажлисларида эшлиши. Шунингдек, камчиликларни бартараф этиш ва ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилаш бўйича **комплекс чора-тадбирлар** дастурини ишлаб чиқиш.

12

МАМЛАКАТДА КОРРУПЦИЯ ДАРАЖАСИ БҮЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ

Агентлик ва “Ижтимоий фикр” маркази ҳамкорлигига **аҳоли ўртасида ҳар йили ижтимоий** сўровномалар ўтказиб келинмоқда.

Маълумот учун: Жамоатчилик фикри сўрови 2022 йил 19-20 апрель кунлари Республиканинг барча ҳудудида 1110 нафар, 2023 йил май-октябрь ойларида 2063 нафар, 2024 йил 15 апрелдан 13 майга қадар 1103 нафар респондентлар иштироқида ўтказилган. Мазкур 3 йиллик тадқиқот давомида жами 4276 нафар респондент иштирок этган.

Сўровда **коррупция, унинг тарқалганлик кўламлари** ва турли вазирликлар, идораларнинг **коррупцияга мойиллиги**, шунингдек, **аҳолининг** ҳукумат томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида **кўрилаётган чораларга муносабати** ўрганилди.

Сўнгги 3 йиллик сўров натижаларига кўра, Ўзбекистонда коррупция тарқалганлик даражаси “**юқори**” деб ҳисобловчи респондентлар улуши **36 фоиздан 31 фоизга** камайди.

Жамиятда коррупцияни қораловчи ва унинг салбий оқибатларини англаб етган респондентлар улуши 20 фоизга (72 фоиздан 91 фоизга) ортди.

Коррупция ҳолатларига дуч келганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берган фуқаролар улуши 2022 йилда 3,6 фоиздан, 2024 йилда 11,5 фоизга ошди.

Жамиятда коррупцияни қораловчи ва унинг салбий оқибатларини англаб етган респондентлар улуши **20 фоизга** (72 фоиздан 91 фоизга) ортди.

Коррупция ҳолатларига дуч келганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берган фуқаролар улуши 2022 йилда **3,6 фоиздан**, 2024 йилда **11,5 фоизга** ошди.

Сўровларга кўра, **коррупциявий муносабатларга энг мойил**, коррупциянинг юзага келиши хавфи юқори бўлган соҳалар сифатида 2024 йилда **соғлиқни сақлаш (24 фоиз), олий таълим (21), мактабгача ва мактаб таълими (9 фоиз), бандлик (9) ва курилиш (7)** эканлиги қайд этилган.

2021 йилда **солик, божхона ва маҳаллий ҳокимликлар** коррупция кенг тарқалган соҳалар сифатида қайд этилган бўлса, 2024 йилда мазкур соҳалар респондентлар томонидан коррупциялашган соҳа сифатида белгиланмаган.

2024 йилда Агентлик ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида “**Коррупцияга қарши курашда коррупция ҳақида хабар беришнинг ўрни ва таъсири**” мавзусида сўровнома ўтказилди.

Сўровномада фуқароларнинг коррупцияга оид хуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш билан боғлиқ тасаввурлари ва тушунчалари, шунингдек, масъул идораларга хабар беришдаги муаммолар, бу бўйича тўсқинлик қилаётган асосий омиллар баҳоланди.

Сўровда иштирок этган респондентларнинг **74,0 фоизи** коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришга ва **82,2 фоиз** электрон платформа ёки мобиль илова орқали хабар беришга тайёрлигини билдирган.

Лекин, коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бермасликнинг асосий сабаблари сифатида **коррупциядан ўзлари манфаатдорлиги** (19,8%) ва **кимга мурожаат қилишни билмаслигини** (20,4%) қайд этишган.

Шу билан бирга, респондентларнинг **13,8 фоизи** миннатдорлик сифатида совға беринши оддий ҳол деб ҳисобласа, **7,4 фоизи** эса бундай ҳаракатларни **коррупция ҳолати деб ҳисобламаслигини** таъкидлаган.

*Таҳлилларга кўра, фуқаролар билан **бевосита муносабатга киришадиган соҳалар** (таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал, бандлик), коррупцияга мойил эканлиги ва коррупция хавф-хатарлар юқорилиги маълум бўлмоқда.*

Таҳлилларга кўра, фуқаролар билан **бевосита муносабатга киришадиган соҳалар** (таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал, бандлик), коррупцияга мойил эканлиги ва коррупция хавф-хатарлар юқорилиги маълум бўлмоқда.

Худудлар бўйича **Самарқанд, Фарғона ва Тошкент** вилоятлари аҳолиси коррупция ҳолатларига **кўп дуч келганлигини** ва мамлакатда коррупция **юқори** даражада тарқалганинги таъкидлаган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Бухоро, Наманган, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида коррупция юқори деб ҳисобловчи респондентлар улуши камайган.

Тадқиқот натижалари таҳлилига кўра, коррупциявий муносабатлар пайдо бўлишининг **бешта** асосий сабаби қўйидагилардан иборат:

- ➊ фуқароларнинг ўз масалалари ёки муаммоларини **қонунни четлаб ўтган ҳолда ҳал этишга интилиши**;
- ➋ фуқароларнинг қонунлар ва ўз хуқуқларини яхши билмаслиги;
- ➌ очкўзлик, ваколатларга эга бўлган айрим шахсларнинг **текин даромад олишга интилиши**;
- ➍ **даромадлар даражасининг пастлиги**, иқтисодий омиллар, жамиятнинг табақаланиши;
- ➎ мансабдор шахслар фаолияти устидан фуқаролик жамияти томонидан ўрнатилган **жамоатчилик назоратининг сустлиги**.

Жамоатчилик фикрига кўра, **иш ҳақини ошириш**, ёшлар орасида **коррупцияга қарши дунёқарашни шакллантириш**, хукуқбузарликлар учун **жазони қатъийлаштириш**, фуқароларнинг **хукуқий онгини ошириш** каби чоралар коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш учун энг самарали эканлиги қайд этилди.

Умуман олганда, респондентлар томонидан мамлакатда коррупцияга қарши курашиш сиёсати ижобий баҳоланиб, шу билан бир қаторда бу борадаги чоратадбирларини кучайтириш лозимлиги таъкидланмоқда.

13

ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАР

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро рейтинг ва индекслардаги Ўзбекистоннинг ўрни яхшиланди.



“Transparency International” халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан **2024 йил якунлари** бўйича Коррупцияни қабул қилиш индексида Ўзбекистон **180 та давлат орасида 32 балл** билан **121-ўринни** эгаллади, ўтган 2023 йилга нисбатан **1 баллга** (2023 йилда 33 балл билан 121-ўрин) **камайган** ҳолда эгалланган ўрнимиз ўзгаришсиз қолган, лекин сўнгги етти йилга солиштиргандан эса – **37 поғона** юқорилаган.

Россия – 13 поғона (154-ўрин), Белоруссия 16 поғона (114-ўрин), Қирғизистон 5 поғона (146-ўрин) ҳамда Тоҷикистон – 2 поғона (164-ўрин) пасайган.

Маълумот учун: CPIning **услубиёти** давлат ва хусусий секторда коррупция даражасини акс эттириб, ундағи маълумотлар экспертлар баҳолари, ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар, ишбилармон доиралар вакиллари ўртасида ўтказилган сўровномалар натижасида тўпланади ҳамда ҳар йили ёки икки йилда **12 та** халқаро ташкилотнинг **13 та** (Ўзбекистон **9 та** манба бўйича баҳоланади) янгиланиб бориладиган манбаларига асосланади.

Таҳлилларга кўра, мазкур рейтингда ўрнимиз яхшиланиб бораётганлиги айrim индикаторлардаги **ижобий** тенденция билан боғлиқ бўлса-да, айrim индикаторларда **турғунлик** ёки **камайиш** тенденцияси ҳисобига 2024 йилда Ўзбекистон ўрни ўзгаришсиз қолган.

Сўнгги **4 йилда** Коррупцияни қабул қилиш индекси **9 та** манбасининг **4 тасида ижобий** ва **5 тасида салбий** тенденция кузатилмоқда.

Манба номи	2021	2022	2023	2024	фарқи
Bertelsmann Foundation Transformation Index	29	29	29	30	+ 1
Economist Intelligence Unit ташкилотининг Мамлакатлар рейтинги	20	20	20	18	- 2
Freedom House ташкилотининг “Ўтишдаги мамлакатлар” рейтинги	24	24	24	18	- 6
Global Insight ташкилотининг “Бизнес муҳити ва хавф кўрсаткичлари” ҳисоботи	35	35	35	32	- 3
CPIA - world Bank “Мамлакатлар сиёсий ва институционал баҳолаш” ҳисоботи	27	35	35	39	+ 12
World Justice Project ташкилотининг “хуқуқ устуворлиги индекси”	36	37	37	38	+ 2
“Демократия турлари (V-Dem)” лойиҳаси	25	25	19	18	- 7
Давлат хатарлари халқаро баҳоси (PRS International Country Risk Guide)	0	41	48	51	+ 10
Жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum EOS)	0	0	49	47	- 2

Изоҳ: Жаҳон иқтисодий форуми, янги индикатор сифатида 2023 йилдан қўшилган.

Масалан, очиқлик ва ҳисобдорлик, сиёсий, иқтисодий ва молиявий хавфларни бошқариш, коррупцияга қарши кураш сиёсатини юритиш индикаторларида сезиларли **ижобий ўзгаришга** эришилган бўлса (+ 24 балл), демократия, журналистларнинг эркинлиги ва хавфсизлиги, жамоатчиликни коррупцияга қарши курашишда фаоллиги индикаторларида **салбий** (- 13) натижа қайд этмоқда.

“Transparency International” маълумотларига ассоциация Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги ўн түккіз мамлакатдан ўн бештаси (Ўзбекистон ҳам шулар жумласидан) коррупцияга қарши курашишда түрғунлик ёки муваффакиятсизликка учрамоқда.

Бунга қуйидагилар сабаб сифатида күрсатылған:

- ➁ демократик институттар ва қонун устуверлигининг заифлиги, давом этаёттан бекарорлық ва ташқи босимлар;
- ➂ ҳукуматтар коррупцияга қарши эңг оддий чораларни ҳам амалга ошира олмаганлиги;
- ➃ күргина давлаттарда сиёсий молиялаштириш, лоббизм фаолиятини ошкор қилиш ёки манбаатдор мулкнинг шаффофлигини назорат қилувчи қонунлар етарли эмаслиги, баъзиларида эса умуман йўқлиги;
- ➄ ҳукуматтар катта қийматли стратегик инвестицияларни назорат қилишдан қочиш учун маҳсус қонунчиликдан фойдаланиб, жамоат манбаатларини эътиборсиз қолдиришлари;
- ➅ минтақадаги аксарият давлаттарда ҳукуматнинг бошқа тармоқлари ва манбаатдор гурӯхлар номақбул таъсир күрсатиши сабабли юқори даражадаги коррупцияни таъқиб қила олмаслиги;
- ➆ ҳатто демократик давлаттарда ҳам сайлов жараёнларидан ҳукмрон партиялар ноаниқ молиялаштириш ва ҳокимиятни қўлга киритиш учун қоидаларни манипуляция қилишдан фойдаланишлари тобора кучайиб бораётганлиги.

1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги **бошқа рейтинг индексларда** ҳам Ўзбекистоннинг ўрни ўтган йилга нисбатан **пасайиши** кузатилмоқда.



**World Justice
Project**

1. “**World Justice Project**” ташкилотининг Ҳуқуқ устуверлиги индексида (Rule of law) Ўзбекистон **142 та** давлат орасида **49 балл** тўплаб, **83 ўринни** эгаллади. Ўтган йилга нисбатан **1 баллга** камайиб, ўрнимиз **5 поғонага** пасайган (2023 йилда 50 балл билан 78-ўрин).

Ҳуқуқ устуверлиги индексида **8 та** индикатор (ҳукумат ваколатларининг чекланганлиги, **коррупциянинг мавжуд эмаслиги**, **ҳукумат очиқлиги**, фундаментал ҳукуклар, тартиб ва хавфсизлик, қонунларга риоя қилиш, фуқаролик одил судлови ва жиноий одил судлов) ва **44 та** субиндикатордан иборат.

Субиндикатор номи		2023	2024	фарқи
Хуқуқ устуворлиги индексида	балл	50	49	-1
	ўрин	78	83	-5
Ҳокимият органлари ваколатларининг чекланганлиги	балл	38	37	- 1
	ўрин	119	116	+ 3
Коррупция мавжуд эмаслиги	балл	47	47	
	ўрин	66	68	- 2
Ҳокимият институтларининг шаффоғлиги (очиқлиги)	балл	37	38	+ 1
	ўрин	119	117	+ 2
Асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш	балл	45	44	- 1
	ўрин	109	108	+ 1
Тартиб ва хавфсизлик	балл	90	90	
	ўрин	17	17	
Қонунларга риоя қилиш	балл	45	44	- 1
	ўрин	99	103	- 4
Фуқаролик ҳуқуқи соҳасида одил судлов	балл	52	51	- 1
	ўрин	74	74	
Жиноий одил судлов	балл	44	45	+ 1
	ўрин	71	70	+ 1



“Trace bribery risk matrix” порахурлик матрицасида Ўзбекистон 2024 йилда 57 балл билан (1 баллдан 100 баллгача баҳоланади, 1 балл – энг ижобий) 194 та давлат ичидаги 134-ўриннинг эгаллади. Ўтган йилга нисбатан +1 баллга ортган лекин, -4 ўринга пастлаган (2023 йилда 58 балл билан 130-ўрин).

Маълумот учун: “*Trace bribery risk matrix*” етакчи фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ, Жаҳон банки, Готенбург университети қошидаги V-Dem институти ва Жаҳон иқтисодий форумидан олинган тегишили маълумотларни жамлаган ҳолда 194 дан ортиқ мамлакатларда бизнесс юритиш давомида порахўрлик хавф-хатарларини баҳоловчи индекс ҳисобланади.



Жаҳон Бошқарув сифати индикаторлари (WGI) коррупцияни назорат қилиш йўналишида Ўзбекистон -0,81 балл билан 213 та давлат орасида 161 ўринни эгаллаган (2021 йилда -1,05 балл билан 176 ўрин).

Маълумот учун: Жаҳон Бошқарув сифати индикаторлари Жаҳон банки томонидан 200 дан ортиқ мамлакат учун б ўналишда юритиладиган рейтинг ҳисобланади.

Аҳоли фикрини инобатга олиш ва ҳисобдорлик		Сиёсий барқарорлик ва зўравонлик/терроризмнинг мавжуд эмаслиги		Хукумат самарадорлиги		Тартибга солиш сифати		Хукуқ устуворлиги		Коррупцияни тийиб туриш	
Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)
-1,40 (+0,13)	182 (+12)	-0,24 (+0,19)	130 (+19)	-0,20 (+0,33)	116 (+22)	-0,58 (+0,40)	144 (+33)	-0,89 (+0,19)	168 (+13)	-0,81 (+0,24)	161 (+15)

2. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги рейтингларда Ўзбекистон натижалари пасайган бўлса-да, **очиқлик бўйича рейтингларда** мамлакатимиз ўрни сезиларли даражада яхшиланниб бормоқда.



“Open data inventory” рейтингида Ўзбекистон 2024 йил натижаларига кўра, **83 балл** билан **195 та** давлат ичida **12 ўринни** эгаллаб, 2022 йилга нисбатан 18 поғонага яхшиланди. (2022 йилда **70 балл** билан **30-ўрин**).

Ўзбекистон Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади, хусусан, Қозоғистон **44-ўрин**, Кирғизистон **92-ўрин**, Тожикистон **100-ўрин**, Туркманистон баҳоланмаган.

Маълумот учун: Open data watch халқаро ташкилоти давлат органлари ва ташкилотлари томонидан эълон қилиб бориладиган очиқ маълумотларнинг сифати ва халқаро стандартларга мос равишда эълон қилинишини ҳар 2 йилда баҳолаб боради.

2024 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича превентив механизмларни янада кенг жорий этиш, коррупциянинг оқибатлари билан эмас, унинг олдини олишга қаратилган ишларни кучайтириш йўналишида қатор чоралар амалга оширилди.

ХУЛОСА

Жумладан, манбаатлар тұқнашувининг олдини олиш механизмлари ишлаб чиқилиб, қонун билан тартибга солинди, барча давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш бүйича билимини оширишга оид мажбурий тартиб үрнатилди, давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Сүнгі йилларда коррупциянинг олдини олиш борасидаги ишлар натижадорлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирокида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг йиғилишида муҳокама қилиниб, келгусидаги устувор вазифалар белгиланди.

Давлат раҳбари томонидан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бүйича аниқ тизим яратылғанлиги, алохидә қонунлар қабул қилингандылығы, энг муҳими, жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиган очиқ тизим, очиқ муҳит яратылғани, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги үрни ва таъсири ортиб бораётганлиги қайд этилди.

Ер ажратиш, қурилиш, олий үқув юртларига ўқишиң кириш, болани мактабга ва мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, кредит ажратиш, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиш масалаларидағи **ислоҳотлар** ва **рақамлаштириш ишлари** мазкур жараёнларда коррупциянинг кескин камайишига хизмат қилғанлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳали ҳам коррупциянинг оқибатлари билан курашиб келаётганлиги, коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмаларининг коррупциявий омилларни аниқлаш ва бартараф этишда масыулияти сезилмаётганлиги, Агентликнинг ҳудуд ва соҳаларда коррупция муаммосини чукур ўрганмаётганлиги, Парламентнинг коррупцияга қарши курашишдаги үрни етарли даражада эмаслиги, давлат харидларида коррупция хавф-хатарлари юқоришлиги, маиший коррупция (коррупция жиноятларининг 75 фоизини ташкил қилмоқда) аҳолининг давлатта бўлган ишончини пасайтираётганлиги танқид қилинди.

Умуман, коррупцияга қарши курашишни туман-маҳалла даражасигача тушириш, бу борада кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда **“Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб”** ишлайдиган тизим яратиш бүйича топшириқлар берилди.

Давлат раҳбарининг коррупцияга қарши курашиш бүйича сиёсий иродаси ва муросасиз муносабати келгусида айни йұналишдаги ислоҳотлар изчил давом этиб, бу жараёнларда иштирок этувчи субъектлар доираси янада кенгайишини кўрсатмоқда.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари Агентликка құмакчи бўлиб, ўз тизимида коррупциянинг олдини олишга ҳаракат қылмаса, йил якуниде Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгashi ва Агентлик таклифига асосан ташкилот раҳбарларига нисбатан чора кўрилиши белгиланди.

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги ислоҳотларни давом эттириш ҳамда Узбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан берилган топшириқлар ижросини таъминлашда қуйидагилар келгусидаги устувор вазифалар ҳисобланади:

- 1** Давлат харидлари соҳасида коррупция хавф-хатарларини камайтириш, хусусан, тұғридан-тұғри харидларни 2 баробарга қисқартириш, нарх талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгилаш, қонунбузилишларини аниқлашга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш;
- 2** Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини самарадорлигини ошириш, мустақиллиги, фаолиятини баҳолаш мезонлари ва ўқитишга оид талабларни белгилаш;
- 3** Агентлик ва масъул давлат органлари билан биргаликда соҳаларда энг пастки бўғингача тушган ҳолда коррупция омилларини аниқлаб, бартараф этиш тизимини йўлга қўйиш;
- 4** Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини декларация қилиш тизимини амалиётга жорий этиш;
- 5** Вазир ва ҳокимлар лавозимига номзодлар кўриб чиқилаётганда уларнинг коррупциянинг олдини олиш бўйича режасини Олий Мажлис палаталари ва Халқ депутатлари кенгашларида кўриб чиқиш;
- 6** Коррупция жинояларининг аниқ рўйхатини белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- 7** Коррупцияга қарши курашиш соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш;
- 8** Давлат хизматчиларини ишга қабул қилиш жараёнини очиқ ва шаффоғ ўтказишни таъминлаш, давлат хизматчилари реестрини белгилаш, кадрларни коррупцияга мойиллик даражасини ўрганиш бўйича янги тизимни жорий этиш;
- 9** Олий Мажлис палаталарининг парламент назоратини ўрнатишдаги масъулиятини янада ошириш, жумладан, худудларда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан давлат органлари раҳбарларининг ҳар ойда ҳисботини эшитиб, муҳокама қилиб борилишини таъминлаш;
- 10** “Тарбия” фани доирасида ўқувчиларга ҳалоллик, бироннинг ҳаққига хиёнат қилмаслик каби эзгу ғояларни содда тилда тушунириб бориш.




**2024-YILDA DAVLAT ORGANLARI VA TASHKILOTLARIDA KORRUPSIYAGA QARSHI
KURASHISH ISHLARINING SAMARADORLIGINI REYTING BAHOLASH NATIJALARI**

BALI	YAXSHI	QONIQARLI	BALI	QONIQARSI	BALI
81 ballidan 100 balloshcha	86 "Innudiy elektr tarmoqjan" AJ	73 Oba va xotin-qizlary qo'mitasiz	63 "Uzbekistan Airways" AJ		
96 "Noroy kov metallurgiya kombinasi" AJ	85 Yoshlar ishlari agentligi	73 Bilm va maliakamli baholash agentligi	62 Aviaqo'stroy hokimligi		
95 Tag-kom sanoati va geologiya vazifasi	85 "Zakb banki" ATB	80 Abovalyantton va televizionnalaytular schimbasi usulni iqtisadiy	61 Quilish va u-yap kommunal xosallig sonasida natsari qidai inspeksiyasi	61 Sog' Royli sagdash vazifligi	
94 Marzbank bank	85 "Olimiq kom-metallurgiya kombinasi" AJ	80 Oly attestatuya komissiyasi	73 Aksomsodli yollari qo'mitasiz	60 Ispakchilik va jun samasatni inovatsiyalar qo'mitasizi**	
92 Soliq qo'mitasiz	85 "Orbelgeofitika" AJ	79 Transport vazifasi	72 Investitsiyalar, sanato va sardon vazifligi	60 Qazibadiyaylo yetgit hokimligi	
92 "Orbelenehza" AJ	84 "O'stakal'minot" AJ	79 "Akashbank" AJ	72 Sonzardonaylo yetgit hokimligi	58 Ormon xosalligi agentligi	
92 "Uzbekiston Airport" AJ	84 "Isqollik elektr stansiyalar" AJ	78 Igrendigkeit, va medya vazifasi	71 Xorazm viloyat hokimligi	58 Istatistikastig'an ta 'Im muassasasi agentligi	
91 Reqamli tehnologiyalar vazifasi	84 "Orzbek geologiya qidaris" AJ	78 So'ordiqdo dovezalar, xurmatiga borchayayli resevsi qidaris agentligi	71 "Orzbekiston milliy elektr tarmoqlari" AJ	58 Elektr enerjigasi, neft mahsuludarasi va gazdan foydalanishini hozirat qishin impediyasi	
91 Kambarqilim shigartishini va bandlik vazifasi	83 Sanatsay-epidemiologik osonqishlatish va jumash salomligi agentligi	78 "Buzurgani hisobgichish banki" ATB	70 "Orzbekiston metalloqal'ya kombinasi" AJ	56 "Orzbekiston" ATB	
90 "Hudog'dasti'minot" AJ	83 "Agrobank" ATB	78 "Orzelbank" ATB	70 Toshkent shahar hokimligi	55 "Alqabach" ATB	
90 Arbobor va ommanvy Kommunikatsiyalar agentligi	83 "Orbelinvent" eksport-import sur'ugasi kompaniyasi AJ	77 Toshkent viloyat hokimligi	70 "Orzbekiston metalloteknichka konserni" AJ	55 "Ball" 55 ballidan past	
90 Chemsiklar karantini va nemoyasid agentligi	82 Oly chilm, fan va inovatsiyalar vazifasi	76 "Oz-zavod" agentligi	69 Kinozalqiliy agentligi	53 "Ozragizing" AJ	
89 Transport nazorati inspeksiyasi	82 Maktobqilarcha va malakchi ta'limi vazifasi	76 "Turonbank" ATB	69 Samargand viloyat hokimligi	53 Davlet musul obyektardan samarali foydalanish markazi	
89 "Tashq qipatty hujayt milliy banki" ATB	82 Bojicha qo'mitali	76 "Microkreditbank" ATB	69 Sirdaryo viloyat hokimligi	48 "Orzbekkorumi" AJ	
89 "Orbekiston sanotsar-quillah banki" ATB	82 Turism qo'mitali	76 Jizzax viloyat hokimligi	69 Milliy statistika qo'mitasizi*	48 "Davlat ekologiya akkipertasiyal markazi" DM	
88 Sport vazifasi	82 Madaniy men's agentligi	75 Sur xo'siligi vazifasi	68 Qashqo'z xosalligi vazifligi	38 Xalqaro-nova nomidagi Respublika suda ekspertizasi markasi	
87 "Orzbekiston temir yo'tları" AJ	82 Innovation inqilash agentligi	75 Kadastar agentligi	68 "Ozhangsuz" AJ	38 "Fammeteknika mahsulotlari sirketligi" markazi DA	
86 Qurilish va urjor kommunal xosalligi vazifasi	82 "Orzbektelekom" AJ	75 Fergana viloyat hokimligi	67 Ekologiya, atraf mukimmiyeti muhafaza qidari va ligim organizasiyasi	28 "Farmashetka tarmog'i ni foydalanish agentligi"	
86 Adoly vazifasi	82 "Ozragising'xit" AJ	75 Navoiy viloyat hokimligi	66 Qazneqop shart Respublikasi Vizitari Karajishi	26 "Farmashetka tarmog'i ni foydalanish agentligi"	
86 Energetika vazifasi	81 Reqabotchi moddalishish va istemochish huquqlarini hemoci qo'mitasiz	75 Namangan viloyat hokimligi	65 "Orzimyodxonot" AJ	17 "Cazmachezik xizmati" qo'mitasiz	
86 "Ozvezdanon" AJ	81 Darlat aktivitetini boshqarchi agentligi	75 "Orzibelqorloremingo" AJ	64 Agrostat naqymli urididan nozorat qidari vekipleri	9 Agrostatini mojamitish agentligi***	
		74 Prezident jamiy attasasi	63 Fazilat avtovadasi agentligi		

* O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 24.02.2025-yilgagi 161-2025-iyulgovda emmoxcha qidariy O'zbekiston Respublikasi Prezidenti hujumchilik hujumchilik hujumchilik hujumchilik agentligi Agrostatning hujumchilik agentligi to'xtalil etilgen.
** O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 30.03.2026-yilgagi 151-2026-iyulgovda emmoxcha qidariy O'zbekiston Respublikasi Prezidenti hujumchilik hujumchilik hujumchilik agentligi Agrostatning hujumchilik agentligi to'xtalil etilgen.

**DAVLAT ORGANLARI VA TASHKILOTLARIDA OCHIQLIK BO'YICHA AMALGA OSHIRILAYOTGAN
ISHLARNING SAMARADORLIGI VA NATIJADORLIGINI BAHOLASHGA QARATILGAN
OCHIQLIK INDEKSI-I-2024**



TASHKILOTLAR		TASHKILOTLAR	BAL	TASHKILOTLAR	BAL
1.	"Oimaliq konmentarliyiga kombinat" AJ	24. Innoatsionnaya agentligi	81,4 ▲	77. Madaniyat vazifligi	59,3 ▲
2.	Sosial qo'mizasi	25. Qurilish va uy-joy kommunali xoz-palig vazifligi	81,3 ▲	78. Saglikni senech vazifligi	59,2 ▲
3.	"Ozavtosanoat" AJ	26. "Orbelbekon mechetlilik" komititeti	81,2 ▲	79. Turizm agentligi	58,6 ▲
4.	"Nevoli kom-metallurgiya kombinat" AJ	27. "Orbelbekengaz" AJ	81,1 ▲	80. "Tashkentbanktransizmat" AJ	58,0 ▼
5.	"Uzbekistan Airways" AJ	28. Repozitoriy i indigenetschik va stat'sticheskij hujjatlarini himoyalish qischi qo'mitasi	80,9 ▼	81. "Agrosoyuz tajimusti ustidan nazorat qilish inspeksiyasi"	57,8 ▲
6.	Transport nazorati inspeksiyasi	29. Elektrojekta, atrof-muhimni muhafaza qischi va tiflim o'sgarishi vazifligi	80,6▲	82. "Orbelbektelekom" AK	57,4 ▼
7.	Oly ta'lim, fan va innovatsiyalar vazifligi	30. Tog'ken sanayi va geologika vazifgi	80,6▲	83. "O'zgrossov juna" AJ	56,8 ▲
8.	"Oznamozgulish" ATB	31. Komissariya darschi Kuzashish agentligi	80,5▲	84. Tashq. ishlar vazifligi	55,7 ▲
9.	"Sizalik elektr standartlari" AJ	32. AT "Xalq banki"	79,3 ▼	85. Veterinarnya va choraqashini rivojlanishini qo'mitsasi	55,5 ▲
10.	Buxunsa qermitsasi	33. "Agrobank" ATB	78,7 ▼	86. Fang ona viloyati hokimligi	54,9 ▼
11.	"Ozbelgiderenergo" AJ	34. Qashqadaryo viloyati hokimligi	78,6▲	87. "Hududli elektr tarmoqlari" AJ	52,5 ▲
12.	"Ozrukunimot" AJ	35. "Baxmeni inqilabchilar" banki ATB	77,0▲	88. Elektr energiyasi, neft matbuotchilik va gecden faydalananan nazorat qilish inspeksiyasi	51,2 ▲
13.	Adlyva vazifligi	36. Ichki ishlar vazifligi	76,6▲	89. Olib va xotin qidari qo'mitsasi	50,9 ▼
14.	Rahqimli tehnologiyalar vazifligi	37. Avtomobil yollarini qo'mitasi	76,1▲	90. Sirdaryo viloyati hokimligi	49,4 ▼
15.	Alobozdarlik va tekhnologik-sistem saklasida nazorat inspeksiyasi	38. "Turonbank" ATB	76,0 ▼	91. Jizzax viloyati hokimligi	48,8 ▼
16.	"Ozbank" agentligi	39. Navoiy viloyati hokimligi	75,4 ▼	92. "Yurqunitish" AJ	47,1 ▲
17.	Marksiz bank	40. Kamibag illini qisqartirish va bandish vazifligi	74,9▲	93. "Aksaka" ATB	46,8 ▲
18.	Xorazm viloyeti hokimligi	41. Suv xo'jaligi vazifligi	74,9▲	94. Gidrometeorologiya xizmati agentligi	45,2 ▲
19.	Milly statistika qo'mitasi	42. Hujdugazchiyot AJ	74,9 ▼	95. Milly artditloq agentligi	40,2 ▲
20.	"Ozagroizing" AJ	43. Samarkand viloyati hokimligi	74,5▲	96. Farmatsiyevda turmohoga mojdeletish agentligi	32,6 ▼
21.	Sport vazifligi	44. Oily sud	74,0▲	97. Kineematografiya agentligi	30,4 ▲
22.	Vosktor ishlar agentligi	45. "Ozbekymyozamot" AJ	73,7 ▼	98. Andijon viloyati hokimligi	28,5 ▲
23.	MaktabSho'ra va maktabs ta'limi vazifligi	46. Osimliklar karantini va hemoyes agentligi	72,6 ▼	99. Iqtisodiy va molje vazifligi	50 ▲
24.	"Mikrokreditbank" ATB	47. Toshkent viloyati hokimligi	72,3 ▲	100. Faiquidorda vazifalar vazifligi	62,9 ▲
25.		48. Transport vazifligi	72,1 ▲	101. Madaniy men's agentligi	62,6 ▲
		49. "Ozbekkomgaz" AJ	71,8 ▲	102. Sunordaryo viloyati hokimligi	60,2 ▲
		50. "Mikrokreditbank" ATB	71,4 ▼	103. Davlat xozmatini nizqilantirish agentligi	59,8 ▲
				104. "Tubekistan Airport" AJ	59,6 ▼
				105. 55 BALLDAN PAST BO'LGANDA — "TASHIL"	2024
				106. 55 BALLDAN PAST BO'LGANDA — "SAR'L"	2023
				107. DEYTINGQO YANGI QO' SHILGANLAR	2022

77 BALLDAN PAST BO'LGANDA — "TASHIL"

55 BALLDAN PAST BO'LGANDA — "SAR'L"

DEYTINGQO YANGI QO' SHILGANLAR

55 BALLDAN PAST BO'LGANDA — "QIZIL"

